

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ
МАКТАБИ**

“Санъатна назарияси ва тарихи кафедраси”

Санъатшунослик таълим йўналиши битирувчиси

УСАНОВА ШОХСАНАМ АЗАМАТОВНА

“СУРХОНДАРЁ ХАЛҚ МАВСУМИЙ РАҚСЛАРИ”

Мавзусидаги

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШ

**“Санъат назарияси ва
тарихи” кафедра
муdiri с.ф.н доцент
_____Юлдашев Т.И.**

**Илмий рахбар:
Санъатшунослик
фанлар номзоди
_____Исроилов М.В
Илмий маслаҳатчи
Филология фанлари
номзоди____Галиев Ш.К**

Тошкент-2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-7
АСОСИЙ ҚИСМ:	8-48
I-БОБ: МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ВА УНИНГ РАҚС ШАКЛИ ТАРИХИ ХУСУСИДА	8-24
1.1. Ўйин. Ўйиннинг рақс шаклини келиб чиқиш шарт- шароитлари....	8-16
1.2. Рақс – санъатнинг нафис тури.....	17-22
1.3.Фасллар ва мавсумий рақслар.....	23-24
II-БОБ: СУРХОНДАРЁ МАВСУМИЙ РАҚСЛАРИ.....	25-48
2.1. Сурхон халқининг табиат ва мавсумий меҳнат байрамлари..	25-28
2.2. Сурхон рақс санъатининг шаклланиш жараёнлари.....	29-35
2.3.Сурхон мавсумий рақслари ва уларнинг умумназарий масалалари.....	36-49
ХУЛОСА.....	50-53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	54-57

КИРИШ

Сурхон воҳаси Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган жуда қадимий ва бой тарихга эга бўлган вилоятдир. Сурхондарё вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил топган. Худуди 20,1 минг кв.км. аҳолиси, 1 млн 850 мингдан ортиқ. Маркази Термиз шаҳри. Сурхон воҳасида 30 дан ортиқ элат ва миллат вакиллари истиқомат қилади. Воҳада ўзбек халқининг кўнғирот, жуз, жалойир, найман, дўрмон, қатағон, хитой, кенагас, қорлуқ, сарой, кўштамғали, тортувли каби уруғ ва элатлари истиқомат қилади. Сурхон воҳаси инсониятнинг илк вакиллари яшаган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Тешиктош ғоридан топилган неандертал боланинг суяк қолдиқлари воҳа ҳудудида одамлар ўрта плеолит давридан бери яшаб келаётганлигидан далолат беради. Сурхон воҳаси ҳудуди Жанубий Ўзбекистонда илк ўтроқ деҳқончилик хўжалиги қарор топган макон ҳамдир. Хусусан, Сополлитепа, Кампиртепа, Далварзинтепа, қадимги Термиз харобаларида олиб борилган археологик изланишлар воҳада ўтроқ деҳқончилик хўжалиги тарихининг тўрт минг йиллик ўтмишга бориб тақалишини исботлади. Ўша даврга оид деҳқончилик маҳсулотлари айниқса, дон экинларини кўза идишларда сақланиб келинганлиги қазилма ишлари вақтида топилди.

Сурхон воҳасида бронза давридаёқ шаҳарсозлик анъаналари шакллана бошлаган. Жарқўтон харобалари Марказий Осиёда шаклланган илк шаҳарнинг ўрни бўлиб, у уч ярим минг йиллик тарихга эга. Воҳа деҳқончилигида сунъий суғориш тизими ҳам бир мунча эрта вужудга келган, милоддан аввалги бир минг йилликка оид қадимги Бандихон канали воҳада сунъий суғориш иншоатларининг илк темир давридаёқ қурила бошлаганлигини кўрсатади. Ҳудуд илк давлатчилик анъаналарига ҳам пойдевор бўлган макон саналади. Милоддан аввалги VIII-VII асрлар оралиғида шаклланган Қадимги Бактрия подшолигининг ўзаги ҳам айнан Сурхон воҳаси ҳудудларида илдиз отган. Сурхон воҳаси ҳудудлари

тарихнинг турли давларида Бактрия, Тоҳаристон, Чағониён ва бошқа шунга ўхшаш жарангдор номлар билан аталиб, инсоният цивилизацияси тараққиётида муҳим ўрин тутган. Зардуштийлик дини илк тушунчаларининг шаклланиши, оловни муқаддаслаштириш жараёнлари ҳам айнан Сурхон воҳаси ҳудудлари билан боғлиқ. Буларнинг таъсирида бўлса керак, қадим Бактрия ҳудудларида милоддан аввалги III-II асрларда маҳаллий маданият билан қадим юнон маданиятининг ўзаро уйғунлашиб, эллинлаштириш жараёни юз берганлигини кўрамиз.

Қудратли Кушонлар салтанати даврида Бактрия маданияти билан қадим ҳинд маданияти анъаналари ўзаро омукталашиб, инсоният цивилизациясини янада бойитди. Ҳиндистонда шаклланган буддавийлик таълимоти юксалишида ҳам Бактриялик роҳибларнинг алоҳида хизматлари бор. Буддавийлик динини Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига ёйилишида ҳам қадим Бактрия ҳудудлари муҳим ўрин тутган. Илк ўрта асрлар даврида воҳага хионийлар, тоҳарлар, эфталийлар, туркий қавмлар ва арабларнинг кириб келиши воҳа аҳолиси этник таркибида муҳим ўзгаришлар ясаган ва минтақада кечган этномаданий жараёнларга ўзига хос таъсир кўрсатган. Сурхон воҳаси ҳудудий жойлашувига кўра жанубдан Амударё орқали Афғонистон, ғарбдан Туркменистон, шарқдан эса Тожикистон ҳудудлари билан чегарадош бўлиб, унинг аҳолиси узоқ даврлик тарихи мобайнида қўшни ҳудудлардан кўчиб ўтган этник гуруҳлар ҳисобига бойиб борган. Шу туфайли ҳам Сурхон воҳаси аҳолиси ўзининг уруғ-қабила таркиби жиҳатидан ранг-баранглигини сақлаб қолган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг қадим аجدодлари географик ва табиий шароитларга мослашиб ўзига хос турмуш тарзини шакллантирганлар. Табиий шароит ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш аҳолининг турмуш тарзи, маданияти ва шунингдек, миллий ҳис-туйғуларида ҳам ўзига хос хусусиятларни юзага келтирган. Ушбу хусусиялардан келиб чиққан ҳолда аҳолининг хўжалик фаолияти моддий маданияти, маънавияти, урф-

одатлари, маросим ва анъанаалари шаклланган. Сурхон воҳаси аҳолиси турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатлари археологик ва этнографик тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Ушбу тадқиқотлар жараёнида воҳа аҳолисининг ниҳоятда бой этник тарихга эга эканлиги исботланган. Чунки воҳа аҳолиси ўзининг турмуш-тарзи, хўжалик фаолиятидаги анъаналар, уй-жойлари, кийиниш маданияти, урф-одатлари ва халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг ўзига хос жиҳатлари билан республиканинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради.

Вилоят аҳолиси турмуш-тарзини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар воҳанинг алоҳида этнографик макон эканлигидан далолат беради. Воҳанинг этнографик жиҳатдан ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмида рус ва инглиз сайёҳлари, ҳарбийлари, шарқшунослари ва ҳавоскор этнографлар томонидан олиб борилган тадқиқотлардан бошланган ва улар ўзларининг кузатишларини илмий асарлари ҳамда эсдаликларида баён қилишган. Сурхон воҳаси аҳолиси турмуш-тарзини этнографик жиҳатдан ўрганишда айниқса таниқли олимлар Пугаченкова, Ф.Кароматов, Р.Абдуллаев, О.Ибрагимов, И.Абдурахмонов, Б.Х.Кармишева, Қ.Панжиевлар томонидан бир мунча ўрганилган. Айниқса мустақиллик йилларида воҳани этнографик жиҳатдан ўрганиш учун қулай имкониятлар яратилди. Хусусан воҳада юз берган этномаданий жараёнлар, воҳа аҳолисининг моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Сурхон воҳаси этнографиясини ўрганиш нафақат республика миқёсида балки хорижий давлатлар олимларининг ҳам тадқиқотларида ўз ифодасини топмоқда. 2001 йилда ЮНЕСКО Бойсунни “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий қадриятлар макони” сифатида эътироф этди. Ваҳоланки ушбу юксак эътирофга дунёдаги 19 та ҳудуд сазавор бўлган холос. 2002 йилдан бошлаб эса Бойсунда “Бойсун баҳори” очик фольклор фестивали ўтказила бошланди. 2009 йил 25 августда Сурхон воҳасига ташриф буюрган Республикамиз Президенти И.А. Каримов Сурхон воҳасининг ниҳоятда қадимий тарихга

эга эканлигини, инсоният цивилизацияси тараққиётида алоҳида ўрин тутганлигини таъкидлади. Шунингдек, воҳа аҳолисининг турмуш тарзи, моддий-маданияти, урф-одатлари ва халқ оғзаки ижоди анъаналарининг ўзига хослигини, ҳамда бу ҳудудда этнографик манбаларнинг жуда яхши сақланганлигини эътироф этиб, “Сурхондарё – этнографик макон” дея юксак баҳо берган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам Сурхон воҳаси этнографик манбаларга ниҳоятда бой шунингдек учун ҳам воҳа аҳолиси турмуш тарзида, урф-одатларида, анъаналарида ўзига хос хусусиятларни ҳанузгача яққол сақланиб қолган бу эса Сурхондарёнинг этнографик макон эканлигини исботловчи ҳақиқатдир.

Тадқиқотнинг мақсади. Сурхондарё мавсумий рақслари, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва бугунги кундаги ҳолати юзасидан маълумотлар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси. Сурхондарё вилояти бўйлаб, фольклор экспедициялар уюштириш, илмий адабиётларни ўрганиш ва натижага юзасидан тегишил хулоса ва таклифларни баён этиш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Сурхон воҳаси мавсумий рақслари хусусида аниқ, илмий маълумотлар келтириш. Сурхон миллий рақс мактабини пойдевор, илдизларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот предмети – тадқиқотимизнинг предмети Сурхондарё мавсумий рақсларини илмий-нуқтаи назардан ўрганиш.

Тадқиқот объекти – Сурхондарё вилояти, воҳа мавсумий рақслари.

Тадқиқот ишининг методологияси. Тадқиқот ишининг назарий ва методологик асосини санъатшунослик фани соҳасида фаолият олиб борган олимларнинг илмий тадқиқотлари, миллий рақслар, ўйинлари ва мавсумий рақслар хусусидаги мутахассислар ва олимларнинг илмий тадқиқотлари, асарларида кўрсатиб ўтилган илмий-назарий, илмий-амалий методологик ғоя, фикрлар.

Малакавий битирув ишининг ҳажми ва таркибий тузилиши. Ушбу малакавий битирув иши кириш, икки боб, хулоса, адабиётлар

рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Киришда мавзунинг долзарблиги, объекти, предмети ва методологияси хусусида фикр боради.

I-Боб: Миллий ўйинлар ва унинг рақс шакли тарихи хусусида бўлиб, унга бўлимда ўрганилган. Биринчи бўлим “Ўйин. Ўйиннинг рақс шаклини келиб чиқиш шарт-шароитлари” деб номланиб, ўйинни келиб чиқиш тарихи ва унинг Сурхондарё вилояти аҳолиси тарихида ўрни ҳақида боради. Унда ўйиннинг турли шакллари хусусида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Иккинчи бўлим “Рақс – санъатнинг нафис тури” ҳақида бағишланиб, рақс сўзининг луғавий маъноси ҳамда унинг ўйин сўзи билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилди. Учинчи бўлимда фасллар ва мавсумий рақслар ҳақида маълумотлар келтирилиб, тадқиқотмиз объекти бўлган Сурхондарё мавсумий рақсларининг бевосита фасллар билан боғлиқлиги хусусида маълумот берилди.

II-Боб: “Сурхондарё мавсумий рақслари” деб номланиб, ушбу боб ҳам унга бўлимда ўрганилган. Иккинчи боб биринчи бўлим “Сурхон халқининг табиат ва мавсумий меҳнат байрамлари” хусусида бўлиб, меҳнат мавсуми ва ҳар бир фаслга мос, яъни эрта баҳорда – меҳнат мавсумига киришдан олдин, ёзда - ҳосил йиғштиришдан олдин, кунда - кунда ҳосил тўпланган сўнг ва қишда, айниқса, даладар уйқуга кетган вақтда уюштирилган мавсумий маросим ва байрамлар ҳақида баён этилган. Иккинчи бўлим “Сурхон рақс санъатининг шаклланиш жараёнлари”га бағишланиб, рақс санъатининг тараққиёти бевосита ўша халқ яратган тарихи билан боғлиқ эканлиги боис рақс санъати тарихида ҳам унинг асоси бўлганлиги хусусида маълумотлар берилган. Учинчи бўлимда Сурхон мавсумий рақслари хусусида мавжуд маълумотлар келтирилган. Хулоса тадқиқот натижалари юзасидан умумий хулосалар берилган.

I-БОБ: МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ВА УНИНГ РАҚС ШАКЛИ ТАРИХИ

ХУСУСИДА

1.1. Ўйин. Ўйиннинг рақс шаклини келиб чиқиш шарт-шароитлари

Ўйин, ўйиннинг рақс шакли жуда қадимий ва бой тарихга эга. Уларнинг илдизлари инсоният пайдо бўла бошлаган ибтидоий даврга бориб тақалади. Ибтидоий одамлар кундалик эҳтиёжини турли йўллар билан қондирган. Мисол учун мевалар териб еб кун кечириш билан машғул бўлган даврда ўйин орқали кунини вақти чоғликда ўтказиш иш тажрибалари билан бирга ҳамоҳангликда мусобақаларга ҳам эҳтиёж сезила бошлаган. Кўпгина манбаларда мазкур ҳолат қуйидагича изоҳланади. Жумладан, мавсумий меваларни баланд-баланд дарахтлардан териб ейиш ва мана шу даврида ким кўп ва тез мева захирасини йиғиш масаласи куннинг долзарб масаласи сифатида қаралган. Ким қанча кўп мева ғамласа у шунча тўқ бўлган. Буҳолалар ўзига хос мусобақани вужудга келтирган. Йиллар алмашиши бевосита одамларнинг кексайиши белгиси эканлиги табиий ҳол бўлган. Хўш теримчилар қариганда, уларга дарахт шохларига чиқиб, ўзларини ширин жонини хатарга қўйиши уларни секин-аста турли ҳаётий услублардан фойдаланишни тақазо этган. Бундай ҳолларда улар ёш болалар фаолиятдан кенг фойдаланган. Болаларни ўз навбатида ҳаракат – ўйинларига мойиллиги анча юқори бўлган. Бундан фойдаланган қариялар болаларга мева теришни иш сифатида эмас, балки ўйин шаклида ўргатишган. Яъни, дарахтга чиқишида ўйин ҳолатида, ким олдин чиқари ва ким кўп мева тера олади ва ҳоказо. Ибтидоий даврда уруғ-қабилалар ўртасида серҳосил жойлар учун жанглار оқибатида қурбонлар берилган. Борган сари масалани маданий шаклда ҳал қилтш йўллари изланган. Бунинг натижасида бир-бири билан икки уруғ емас, балки уларнинг сардорлари яккама-якка жанг қилган. Вақт ўтиб, ўлим билан тугайдиган жанглар ўрнига, маданийлашган сардорлар кураш-олишувлар вужудга

келган. Бу олишувлар эса ҳозирги миллий курашларнинг ибтидосидир. Йиллар ўтиши, одамларнинг табиат ва жамиятга бўлган муносабати, яшашнинг янги-янги қираларини кашф этилиши натижасида қабилалар ўз муоммоларини жанжал билан эмас, балки тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида қўшни уруғ вакиллари меймонга чақирган. Инсон тили ривожланмаган бу даврда меймон ва меймонлар ўз фикрларини пантомим **ўйин-ракс** шаклида ифодалашган. Хуллас, инсон теримчилик билан машғул бўлаётган даврдаёқ ўйинларнинг илк шакллари – мейва териш бўйича мусобақа, тарбиявий ўйин-машғулотлар, сардорлар олишувлари, пантомим ўйин-ракслар шакллари бошлаган.

Ибтидоий одамлар кунлик эҳтиёжини қондиришда даставвал овчилик билан шуғулланганлиги тарихдан маълум. Ов яхши натижалар билан тугалланса, овланган ҳайвонни олиб келиб, хурсандчилик қилишган. Ушбу хурсандчиликни ўйин-ракс овозсиз кўринишда маълум қилинган.

Маълумки, ҳар бир халқ бой ўйин захираларига эга. Ўзбек халқи ҳам бундан мустасно эмас. Халқ бағрида минглаб, ҳаммага маълум ўйинлар билан бир қаторда, айрим минтақаларга хос ўйинлар ҳам бўлган. Баъзан бир қишлоқ ўйинлари қўшни қишлоқ ўйинларидан фарқ қилган. Булардан ташқари, ўзбек халқининг анъаналари орасида турли ёшдагилар, турли жинсдагилар, йил фасллари ва қишлоқларга хос ўйинлар тизими ҳам бўлган.

Ўзбек халқ ўйинлари орасида бош қотирма, сўз, қўшиқ, ракс-ўйинлари, воқиабанд, ҳаракатли ўйин турлари машҳур бўлган. Шунингдек, халқ ҳаётида тўй-байрам ўйинлари, жамоалар иштирокидаги ўйинлар, завқ-шавқли ўйинларнинг ўзига хос ўрни бўлган. Бироқ илмий адабиётларда ҳанузгача қабул қилинган умумий таснифни топиш қийин. Шундай бўлса-да, ўйинлар ва уларга хос айрим анъаналарни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилади.

Табиий-мавсумий ўйинлар. Табиатдаги ўзгаришлар, йил фасиллари асосида вужудга келган. Шу сабабли доимий ўтказиладиган ўйинлар билан бирга ҳар бир фасл ўйинлари ҳам мавжуд бўлган.

Масалан, баҳорда дарахтлар уйғониб, толлар куртак чиқарганда – “Толбаргак”, дала гуллари очилганда – “Гул ўйин”, “Лойла сайли”, “Қизғалдоқ гуллади” каби табиат билан инсон руҳияти уйғонганда ўзига хос қўшиқли –рақсли, тез ҳаракатли “Ўмғир ёғолоқ”, “Оқ теракми –кўк терак” каби ўйинларни вужудга келишида замин яратилган.

Ёзда фаслида салқин жойларда, дарахтлар соясида, сой ва ариқ бўйларида кам ҳаракат қилинадиган ўйинлар ўйналган. Айниқса, сувда чўмилиш вақтида “Сувда қувлашиш”, (“Қувлашмачоқ”) “Тез сузиш”, “Сув остида ўзиш”, “Сув остида уриш”, сувда турли рақсли ҳаракатларни бажариш (мисол учун тик сакраб туриш, қўлларни ёйган ҳолда айланиш, чалқанча сузиш, қўл ва оёқ ҳаракатларини бир меъёр – ритмда ҳаракатлантириш) каби ўйинлар авжига чиққан. Ёз охири, куз боши- пишиқчилик, тўқчиллик вақтида данак, ёнғоқ ўйинлари, арғимчоқ учишлар севилиб ўйналган.

Кеч куз- қишда ёғингарчилик бошланиб, ер юмшаганда қозиқ, ошиқ, тош ўйинлар одат тусига кирган. Қор ёққанда “Қорхат”, “Қорбўрон”, ёмғир ёққанда “Ўмғир ёғолоқ”, кучли шамол есганда “Бўрон -бўрон” кабиларни ўйнаш ананага айланган. Совуқ ўз кучини кўрсатганда барча сандал атрофига йиғилиб: “Топишмоқ топ”, “Тез айтиш”, “Ким айтди”, “Оёғингни торт” каби ўйинлар ўйналган.

Барчага маълум бўлган “Улоқ” ҳам ҳамма вақт ўйналмаган. У кеч кузда то баҳор ўрталаригача ўтказилган. Республикамизнинг кўпгина ҳудудларида отда улоқ чопиш айнан урфдир. Болалар эса 1,5 – 2 метр келадиган хивчин чўпдан от қилиб, ўзаро ким ўзарга ўйнашган. Бироқ, Сурхондарё вилоятининг тоғли Бойсун ҳудудларида авваллари ҳам ҳозир ҳам ёш ўспирин болалар эшакда улоқ чопишади. Бу ўйин тарзда амалга оширилади. Масалан, улоқ сифатида эшакнинг хуржинини ёки чобоғанлардан бири чопонини боғлаб ташлайди. Ушбу ўйинда ҳам бокавил (улар орасидан ёши каттаси) танланади. Ўйин тартиби улоқ тартибига хос тарзда ўтказилган. Ўзларича турли буюмларни зот сифатида баҳсга қўйишган. Ёзнинг иссиқ кунларида ер ўта қаттиқ ҳолатга келади.

Бундай ҳолда кўпқари иштирокчилари йиқилса жуда қаттиқ тан жароҳати олади. Шу сабабдан ҳамда чобогон ҳам, от ҳам, эшак ҳам иссиққа чидам бера олмайди. Шу ва бошқа шу каби ўйинлар баҳорда ёки куз фаслининг охири ёмғир мавсумларида ўйнаилган. От ёки эшакда улоқ чопадиган кишини Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ерлик аҳоли тилида чобогон деб айтишади. Ёзда эса боллар чилик ўйинини хуш кўриб ўйнашган. Ёзнинг иссиқ пасайган, салқин кечада болалар “Оқ суяк” ўйнаганлар. “Оқ суяк”ни нафақат кечаси, балки қоронғу тунда ҳам ўйнаш мумкин бўлган.

Худудларга хос ўйинлар. Қадимда Ўзбекистон ҳудудида умумхалқ – ҳамма биладиган қизиқарли ўйинлар билан муайян жойга хос ўйинлар мавжуд бўлиб, ўша ўйин ўша худудни ўзига хослигини акс этиришга хизмат қилган. Соҳага оид тадқиқотлардан шу нарса аёнки, тарихий ривожланиш жараёнида бир жойда маълум ўйинлар бошқа худудларда номаълум бўлган. Тадқиқотчилар томонидан кўплаб болаларга хос бўлган ҳаракатли ўйинлар тўпланиб, ёзиб қолдирилган. Шулардан “Чумчук туши бошимга”, “Ботмон-ботмон”, “Қўшиқнинг боши”, “Капан”, “Дўппи ташлар”, “Пари тегди”, “Шайтон-шайтон” ва бошқаларни тилга олиш мумкин.

Шаҳар ва қишлоқ ўйинлари бир-бирларидан ўзларининг ўйналиш шарт-шароитлари ва ҳолатлари юзасидан фарқ қилади. Агар қишлоқ ўйинларининг кўпчилиги кенг далаларда ўтказилса, шаҳар ўйинлари кичикроқ майдонларда ўтган. Масалан, Тошкентлик қизлар орасида жойда айланган ҳолда копток ўйнаш, ерда чизиб қўйилган тўртбурчак чизиқлар орасида сакраш, арқонда сакраб ўтиш, тош ўйин каби ўйинлар кенг тарқалган бўлсада, Сурхондарё ҳудудида беш тош, қувалашмачоқ, ёшинмачоқ, байроқча, ўртага тушар, чопқир (ким ўзар) каби қатор ўйинлар кенг тарқалган.

Тадқиқотимиз учун муҳим бўлган мавсумий рақсларни ёритишда бежизга “ўйин” сўзи ёки ўйинларга диқат эътиборимизни қаратмадик.

Чунки, биринчидан, “ўйин” сўзининг асл моҳияти Сурхондарёда рақс сўзи билан ҳамоханг келади. Сурхондарё аҳолиси “рақсга тушиш”ни “ўйинга туш”, “ўйнаб бер”, “ўйна” каби иборалар билан тилга олади.

Икинчидан қадимдан ўйнаш учун маҳаллий аҳоли навбатма-навбат бир-бирларининг ховлиларига тўпланганлар. Бунда мавсумий-анъанавий ўйинли ҳаракатлар қилганлар.

Хуллас, кўп асрлар давомида табиий шароит, атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, турмуш тарзи, ҳаёт эҳтиёжлари асосида халқ маънавий ҳаётининг таркибий қисми сифатида болалар ва катталар орасида бошқа рақслар каторида мавсумий ўйин (рақс)ларнинг ўзига хос тизими пайдо бўлган ва ривожланган. Аста секин улар омалашган ва умумхалқ ҳудудий рақсли ўйинлар каторида ривожланган.

Турли ёшларга хос рақсли ўйинлар. Маълумки, ўйиннинг инсонни шаклланишида ва ёшлик, болалик даври ривожланишида ўта муҳим ўрин тутиши ҳаммага аён. Ўйинга эҳтиёж ва қизиқиш бола табиатида бор. Боланинг биринчи “фаолияти” ўйин билан бошланади.

Умуман олганда инсон ҳаётида ўйиннинг аҳамияти жуда катта. Асосан ўйин ёш болларнинг асосий машғулоти ҳисобланади. Ўйинлар нафақат болалар, балки катта ёшдагилар ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутди. Катта ёшдагилар учун ўйин бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш, хордиқ чиқариш, куй-қўшиқлар оҳангида ўйинга тушиш ва бошқа томашабин мусобақа, тадбир сифатида ташкил қилинади.

Агар инсониятнинг жинси (ўғил ёки қиз)га хос хусусиятлари нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак инстинкт 2-3 ёшдан намоён бўла бошлайди. Улар асосан тахминан 13 ёшдан сўнг қизлар ва йигитлар алоҳида ўйнашади. Бу даврда йигит ва қизлар орасида кўпроқ сўз, рақс, қўшиқли ўйинларни ўйнашлари одат бўлган.

Воситали ўйинлар.

Бу ўйин (рақс)ларнинг иккига бўлиш мумкин: Биринчи тури моддий воситалар билан бажариладиган ўйинларда тўп, тош, таёқ (ошиқ), арқон,

белқарс (белбоғ), кўлрўмол ва бошқа шу каби буюмлардан кенг фойдаланилган ҳолда ўйналинган. Маҳаллий аҳоли айрим ўйин (ракс)ларга ушбу буюм номини берган. Масалан, “Кўза ўйини” (ракси), “Таёқ ўйин” (ракси) ва ҳоказо.

Иккинчи ўйин асосий восита ўйин ҳисобланиб, асосан ракс ҳаракатларининг асосий мазмун моҳиятини, шакли - шамойилини белгилаб беради. Шу сабабли, ифодали воситали ўйинлар ичида сўзли, кўшиқли, театрлашган рақсли ўйинлар алоҳида ўрин тутади.

Рақсли ўйинлар асосан, рақсли ёки пантомимали ҳаракатлардан тузилган бўлиб, ижро этилиши маълум бир ритмли ҳаракатлардан тузилган бўлади. Улар орасида “Бешқарсак”, “ Чўпон ўйин”, “ Хўш-хўш”, “Қошиқ”, “Тегирмон”, “Гупи”, “Арғамчи”, ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Шуни аълоҳида таъкидлаш керакки воситали ўйинлар кўпинча соф ҳолда учрамайди, улар бошқа ўйинлар билан аралаш ҳолда, яъний турли ёшлилар, турли жинсдаги кишилар орасида йилнинг турли даврларида ҳам ўйналади. Халқ ҳаётида минглаб ранг–баранг ўйинлар мавжуд бўлиб, улар минг йилликлар ичида бойиб борган ва аجدодларимизнинг маънавий ва жисмоний ҳаётида муҳим ўрин тутган. Кўп асрлар давомида халқ рақсли ўйинлар авлодларни тарбиялашда “ҳаёт мактаби” вазифасини ўтаган. Улар аждодларимизни ақлий, руҳий ва жисмоний баркамол бўлишида хизмат қилган. Шундай қилиб, минг йилликлар давомида халқ ўйинлари аждодларимизнинг жисмоний, маънавий, руҳий ва ақлий ривожланиши учун асосий восита бўлиб келган. Маданий меросимизнинг бир қисми бўлган, авлод-аждодларимизга асрлар мобойнида руҳ ва соғлиқ ато этиб келган халқ ўйинларини чуқур ўрганиш, жонлантириш миллий қиёфамизни сақлаш, демакдир.

Дунёдаги барча халқларнинг, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг ҳам анъана ва байрамлари табиат, иқлим, маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, кишиларнинг кундалик ҳаёти, меҳнати, маданияти асосида шаклланиб борган. Деярли барча халқларда табиат, меҳнат мавсуми ва ҳар

бир фаслга мос, яъни эрта баҳорда - меҳнат мавсумига киришдан олдин, ёзда – ҳосилни йиғиштиришдан олдин, кузда- ҳосил тўплангандан сўнг ва кишда иш тўхтаган пайтда уюштириладиган мавсумий маросим ва байрамлари мавжуд ва улар замонга мос тарзда ўзгариб борган. Улар адабиётларда мавсумий (“календар”) байрамлар деб ном олган. Ўзбек халқининг ҳам йил давомида ўтказиладиган асосий мавсумий одатлари, маросим ва байрамлари мавжуд. Улар неча минг йиллар давомида вужудга келиб, барча одатлар барча жойда ҳам бир хил тарзда ўтказилмаган бўлиши мумкин ва бу табиий ҳолдир.

Тарихдан маълумки, қадимдан бошлаб одамларни ҳаёт, табиат сирларини тушинишга интилиш натижасида уларнинг онгида турли тасаввурлар, жумладан, фетишистик, тотимистик, анимистик, сеҳргарлик каби эътиқодлар пайдо бўлган ва ривожланган. Ҳозир ҳам одамларнинг ўй-орзу истаклари, тушинчалари ўзларининг кундалик одат, анъана ва маросимларида (чунончи, “ёмғир тилаш”, “шамол чақириш”, “Қуёшга сиғиниш”, “Қурбонлик қилиш” маросимларида) ўз аксини топиб, улар нафақат Сурхондарё вилояти, нафақат Ўзбекистон балки Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавиятининг шакилланишига ҳисса қўшганлиги шубҳасиз. Шундай қилиб, ибтидоий даврда илк маданият шакллари “Овчиллик ўйинлари”, “Мавсумий байрамлар”, “Сеҳри-жодулик маросимлар” ва бошқалар пайдо бўлган. Бундай тадбирларда халқ маданиятини юксалишиги олиб келган. Бу маданият турини мавсумий рақслар, ўйинлар ташкил этган.

Марказий Осиё халқлари анъаналарини шакилланишида зардуштийларнинг дуалистик қарашлари алоҳида ажралиб турган. Уларнинг табиат, турмуш ва меҳнат жараёнлари билан боғлиқ бўлган анъана, маросим ва байрамлар наврўз, меҳржон ва бошқа шу кабиларда яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, иссиқлик ва совуқлик, ўлим ва ҳаёт ўртасидаги зиддиятлар акс этиб, бу давр одатларида эзгулик, меҳрибонлик, муруватлик, қадр-қиммат, инсонийлик каби маънавий-

инсоний фазилатлар қадирлана бошланган. Аجدодларимиз эътиқоди асосида вужудга келган зардуштийлик дини тарихда қолди. Бироқ бу динга хос кўпгина одатлар, байрамлар, расм-русмлар ҳозирги пайтгача ҳам сақланиб келган. Албатта улар ичида энг каттаси Наврўз байрамидир. Шу билан бирга касалликнинг олдини олиш ёки ундан сақланиш учун исирик тутатиш, турли маросимларда шам ёқиш, тўйларда гулхан атрофида айланиш, ўт атрофида кечки базмлар уйиштириш, чавондозларнинг катта гулхан алангаси устида сакраш ўйинлари, баъзи беморларнинг шифо топиш мақсадида гулхан устида хатлаб ўтишлари, чақолоқни олов устида ўтказиб олиш, муқаддас дарахтлар шохига турли латталарни “алам ” боғлаш каби удумларни ҳозир ҳам учратиш мумкин. Қуёшни озодлик билан кутиб олиш, тонгда ҳовлини тозалаш, уйни супириш, ювиниш, ўчоққа олов ёқиш, олов ёрдамида озиқ-овқатларни зарарсизлантириш, кул, турли гиёҳларни тутиш кабилар ҳам зардуштийлардан ўтиб келаётган одатлардир.

Ўрта Осиё халқларида коинот, табиат, йил фасллар, билан бевосита боғлиқ муайян тизимдан иборат байрамлар, жумладан, баҳорги “Наврўз”ни, ёзда нишонланадиган “Ангом ҳайит”ни, кузда ўтказиладиган “Меҳржон”, қишда уйиштириладиган “Сада” кабиларни ҳозир ҳам йил фаслларига бағишланган байрамлар сифатида мунтазам ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Марказий осийда VIII асрдан бошлаб ислом дини билан бирга мусулмон одатлари, жумладан, ислом дини асослари –“аркон аддин” беш амалий ва маросимчилик руқун талаблари, диний байрам ва маросимлар - “Рўза ҳайит”, “Қурбон ҳайит”, “Мавлуд”, “Мероҷ”, “Ашурий”, “Лайлатул қадр”, кабилар жорий қилиниб, уларнинг асосий мақсади - Муҳаммад (с.а.в) пайғамбар ва ислом динини улуғлаш бўлса ҳам уларнинг мазмунида инсонийлик, олийжаноблик, саҳийлик, раҳимдиллик, меҳр-муриватлилик ғоялари тарғиб қилинади. Исломгача мавжуд бўлган одатларнинг муайян қисми ислом одатларига чатишиб кетади ва улар ҳам одамлар ўртасида

меҳр оқибат, иззат ҳурмат, қадир қиммат, муруват, оқибат каби инсоний фазилатларини равнақ топишида хизмат қилди.

Ўрта асрларда айниқса IX-XII асрлар ва XIV-XV асрларда байрам маросимлар жуда катта тантаналар билан нишонланган бу даврда ўлкада ислом динига ҳос Рўза ҳайит, Рамазон, Қурбон каби байрамлар халқ ҳаётидан ўз ўрнини топди, уларни ташкил қилиш учун “Намозгоҳ”, “Ийдгоҳ”, “Мусаллаид” каби шаҳардан ташқари масканлар барпо этилган.

Халқнинг қадимий байрамлари (“Наврўз”, “Сада”, “Меҳрижон”), ўрта асрлар бошида сақланган бўлсада, кейнчалик дин арбобларининг бу байрамларни ўтказилишига қарши кураши натижамида улар ўз мавқеини йўқота бошлаган. Давлатчилик ривожланиш натижасида ҳукумдорлар ҳаёти билан боғлиқ тўйлар, унинг фарзандлари ва неваралари ҳаёти билан боғлиқ маросимлар ва давлат миқёсидаги иштимой сиёсий воқеалар билан боғлиқ байрамларни ўтказиш кенг ёйилган. Темурийлар даврида ўлкамизда маданият равнақ топиб, байрам маросимлар кенг ривожланган. XVI-XIX асрда эса тез-тез уришларнинг бўлиши, хонлик ва бекликларга бўлиниш байрам маросимлар ўтказилишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ўлкада амир ва хонлар халқ ўртасида ўз обрўини кўтариш мақсадида байрамларга алоҳида эътибор бериб, ўз манфаатларига мос келувчи ғояларни байрам томошаларига сингдиришга ҳаракат қилишган. XVI-XIX асрларда ўлканинг зиёлилари, санъаткор ва шоирлари халқ байрамларини кенг тарғиб қилгани туфайли халқимизнинг гўзал байрамлари сақланиб қолинган.

1.2. Рақс – санъатнинг нафис тури.

Рақс - араб тилидан олинган бўлиб, ўйинга, рақсга тушувчи, ўйин ва ўйинга тушиш унга мос ёзилган мусиқа. Раққосанинг гармоник ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодалилиги, юз имо-ишоралари ва бошқа орқали образ яратишдан иборат санъат тури. Ўзбек миллий рақслари. Рақс тарихи. Турли мақомлар билан бажариладиган ритмик ҳаракат: оёқ ўйин ва

шундай ўйин учун ёзилган мусиқа. Рақс мусиқаси. Рақсга тушмоқ. Рақс қилмоқ, оёқ ўйин, ўйин кечаси, базм. Раққослик - рақс тушиш санаъти.

Ўйин — кўнгил очиш, дам олиш, тарбиялаш мақсадида қилинадиган эркин ҳаракат ёки машғулоти. Ритмик ҳаракатлар ва мимикалар уйғунлигидан иборат санъат - рақс. Ўйинга тушмоқ, бирор рақсни ижро этмоқ. Кўчма парвоз вақтида чарх айлаб, қилинадиган енгил ёқимли ҳаракат. Ўзбек тилининг изоҳли лиуғати (3-жилд. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. 2007 йил)да ўйинбоз (бирор кўнгил очиш машғулотига, ўйинга қаттиқ берилувчи), ўйинчи, ўйинбузуқи, ўйин-кулгу, кўнгил очиш йиғини, базм, хурсандчилик, ўйин-мазах, кўнгил очиш воситаси - эрмак, ўйинчоқ, ўйинхона - бирор ўйин ва томоша кўрсатиладиган жой, ўйинчи, ўйинга тушувчи, яхши ўйинчи, рақсга тушувчи, раққос ёки раққоса.

Рақс - санъатнинг шундай туридирки, бунда рақснинг гармоник тана ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодвийлиги ва юз имо-ишоралари, ритми, темп, композиция орқали образ яратиш унинг асосий воситасидир. Инсоннинг меҳнат жараёни ва борлиқдан олган эмоционал тассуратлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Дастлаб рақслар қўшиқ ва сўзсиз пантамимик кўринишларда пайдо бўлганлиги ҳақида кўпгина қўлёзма ва тарихий манбаларда, шунингдек, қоятош битикларида ўз ифодасини топган. Кейинчалик куй-қўшиқлар, сахна кўринишларда, турли маросимларда намоён бўлиб, мустақил санъат турига айланди. Рақс асрлар давомида такомиллашиб, барқарор шакилларга эга бўла борди. Раққосларнинг либоси рақс образларига аниқлик берган. Ҳар бир халқнинг рақс анъаналари, ижро услуби, пластик тасвирий воситалари бўлиб, улар тарихий, ижтимоий ва географик шароитлари таъсирида таркиб топиб ривожланган. Рақс халқ байрамлари ва маросимларининг таркибий қисмидир. Улар билан боғлиқ ҳолда маросим ўйинларини пайдо бўлишига замин яратган. Рақслар аста-секин халқ турмушининг баъзи жиҳатларини акс эттира бошлаган. Маҳаллий

рақсларда овчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандлик билан боғлиқ мавзулар ўз аксини топган. Рақс мусиқа билан узвий боғлиқ мусиқа мазмунини оброзлар воситасида очиб беришга мослашди. Рақсларда ритм муҳим бўлиб у мусиқада ўз ифодасини топади, оёқ, қўл, бош ва тана ҳаракатлари умумий ритмга бўйсунди, бир-бири билан боғланади.

Рақс санъати дунё халқларининг энг қадимий санъат турларидан бири ҳисобланади. Қадимий рақслар ибтидоий даврда яшаган инсоннинг меҳнат жараёнида ва атрофдаги ҳодисалардан олган ҳиссий таассуротлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Рақс замоний ва маконий санъатнинг шундай турики, унда бадиий образ инсон гавдасининг ритмик уюшган, тасвирий ва ифодавий ҳаракатлари билан яратилади. Рақсда раққосанинг гармоник тана ҳаракати ва ҳолатлари ва юз имо ишоралари, ритм, темп, орқали образ яратиши рақснинг асосий воситасидир. Рақс дастлаб қўшиқ ва сўз билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик мустақил санъат турига айланган. Ҳар бир халқнинг ўз рақслари бўлиб, рақснинг ижро услуби, пластик ҳаракатлар тасвирий воситалари бўлиб, рақслар шу халқнинг тарихий, ижтимоий, географик шароитлари таъсирида таркиб топган ва ривожланган. Ҳар бир халқнинг рақсида овчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан боғлиқ мавзулар, шу билан бирга шу халқнинг босқинчиларга қарши кураши ва лирик кайфиятлари ўз аксини топган.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида бундан 40 минг йил аввал яшаган инсонлар тошлардан қурол ясаб ов қила бошлаганлариданоқ ўз ҳис-ҳаяжонларини, эҳтиросларини, изтиробларини чиройли ҳаракатларда ифодалашга ҳаракат қилганлар. Уларнинг рақслари ҳақидаги дастлабки маълумотларни республикаимиз ҳудудларида жойлашган тоғ қоятошларга чизиб қолдирган юздан ортиқ тасвирлар орқали билишимиз мумкин. Ўзбекистон ҳудудида жумладан, Шеробод туманининг Сарутсой тоғ-ёнбағрида топилган турли тасвирлар, қоётошлардаги тасвирий санъат ёдгорликлари бу ерда ўйин-рақсни жуда

кадимдан шаклланганлигига гувоҳлик беради. Масалан, Ушбу расмлар орасида чолғу ушлаб турган ва ўзида рақс ҳаракатларини намоёиш этиб турган одамнинг тасвири жуда ҳайратланарли тарзда аҳамиятга эга. Олимларнинг фикрича бу расмлар бундан III-II минг йил бурун, яъни кулдорлик жамиятига алоқадор бўлган даврда тошларга чизилганлигидан далолат бериб, ўша давр диний маросимлари ва халқ ўйинлари ёдгорлиги сифатида муҳирланиб қолган маънавий меросдир. Бу сураатлар ичида раққосларнинг турли ҳолат ва ҳаракатларда тасвирланганлигини кўриш мумкин. Бундан III-II минг йил бурун Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди Сурхон воҳасида профессионал рақс санъати шакллана бошланганлигини аниқлаш мумкин. Чунки бу раққосларнинг қўл, оёқ, тана ҳаракатларидаги кескин ва аниқ ҳаракатлари элиментлари бугунги ўзбек халқ рақслари ҳаркатлари элиментларига ўхшаб кетади. Тепада қўлида катта доира (дўл) кўтариб турган кишининг тасвири тасвирланган.

Рақс санъати Ўзбекистонда меҳнат маросим ва эътиқод билан боғлиқ бадан ўйинларидан “Катта ўйин”, “Мақом ўйин”, “Қарсак ўйин” каби монументал рақс туркумларигача бўлган катта тараққиёт йўлини босиб ҳалқимизнинг авлод - аجدодлари маънавий—маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаб келган. Ҳукумдорлар ва босқинчилар меҳнат аҳоли орасида етишиб чиққан истеъдод эгалари томонидан яратилган рақс санъатини ўз мафкуралари томон буришга, ундан ўз манфаатлари, айти шу ишратлари йўлида фойдаланишга раққос ва раққосаларни камситиш, таҳқирлаш инсоний ҳуқуқларини поймол қилишга тинмай уриндилар. Руҳонийлар эса рақс санъатини шаккоклик деб эълон қилдилар. Аммо халқ рақси ўз эгаси —меҳнаткашлар оммасига хизмат қилишда давом этди, унинг илғор анъаналари авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб яшади ва бизнинг замонимизгача етиб келди. Шаҳар маданияти тараққий этган сари рақс санъати ҳам ўзининг мураккаб шаклдаги элиментларига эга бўлиб, урлари, туркумлари, жанрлари кўпайиб, аجدодларимизнинг бир умрлик йўлдошига айланиб бормоқда.

Айрим рақслар рўмол, пиёла, қайроқ тош, қошиқ каби буюмлар билан ижро этилган, баъзан ижрочи халқ чолғу асбоблари қайроқ, доира, ноғара ва бошқаларда ўзига ўзи жўр бўлган. Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида топилган қоя тош тасвирлари археологик топилмалар бу ерда рақсни жуда қадимийлигидан гувоҳлик беради Ўзбек рақс санъатининг қадимийлиги, шакл ва турларининг бойлиги аجدодларимизнинг кун кечириш учун шуғулланган машғулотлари асосан деҳқончилик, чорвочилик ва ҳунармандчилик билан боғлиқ ҳолда шакланган ва ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Тарихий манбааларда зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” давридаёқ рақс санъатининг шаклланган икки йўналиши халқ ва профессионал рақснинг ривожини тўғрисидаги маълумотлар кирилган. Юнон-Бақтрия подшолиги даврида (мил ав IV-III асрлар) турон рақс санъатининг даражаси Юнонистон, Византия, Ҳиндистон ва Хитой рақси билан баҳслашишга имкон берган. IV-VIII асрларда келиб Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Бойсун ва Тошкент каби шаҳарларидан рақс усталари Буюк ипак йўллари бўйлаб Рим, Миср, ғарб ўлкаларигача, Шарқда Хитой, Корея ва ҳатто Япониягача бориб ўз санъатларини намоиш этганлар.

Мусулмонлик даври (VII аср)да ҳам Ўзбекистон сарҳадларида турли тароққиёт босқичлари пайдо бўлган. Шу боис шаҳар ва қишлоқларда ўтказилган тўй байрам ва маракалардаги “Бешқарсак” каби қадимги ўйинлар ҳам “Катта ўйин”, “Лазги ўйин”, “Кема ўйин” сингари ўйинга рақсли ҳаракатларга эга умумнуктаи назардан бир қолипга катта умумлашмага ва рамзий тимсолларга эга. Тадқиқотмиз объекти бўлган Сурхондарё вилоятида асосан Бойсун тумани ҳудудида “Лайлак”, “Қоплон” ва бошқа шу каби ҳайвонларга тақлид қилинган ўйинлар ҳаракатлар кенг тарқалган. IX-XII аср уйғониш даврида рақс санъатида ҳам чинакам кўтарилиш юз берган кўпгина қадимги рақслар тикланиб “Наврўз”, “Меҳиржон” ва “Сада ”каби байрамларда турли хил рақсли ҳаркатлар кенг тарқалганлигини кўришимиз мумкин.

Мустақиллик даврида рақс санъати янада тез суратлар билан ривожланмоқда 1997 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги фармони ва мазкур ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 декабрдаги 101-сонли қарори қабул қилинди. Шу асосида М.Турғунбоева номидаги “Ўзбекрақс” ижодий бирлашмаси ташкил этилди. Хореография билим юрти негизида эса Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби барпо этилди. “Ўзбекрақс” ижодий бирлашма таркибидаги ансамбллар халқ рақс меросини ўрганиш, ривожлантириш борасида янги-янги рақслар яратиш, анъанавий рақсларини асраб-авайлаш ва муносиб даражада намойиш этиш, ёш раққос ва раққосаларни тарбиялаб етиштириш бўйича олиб борилаётган ҳаракатлари ижобий натижалар бермоқда.

Ўзбекистонда XIX аср ва XX аср бошида меҳнат ва маросим билан боғлиқ бўлган, шунингдек, тоғлилар орасида расм бўлиб келган қадимий ўйинлардан ташқари халқ – профессионал рақс санъати ҳам мавжуд бўлиб, унда кўпгина хусусиятлар билан бир-биридан кескин фарқ қилиб турувчи Фарғона, Бухоро, Хоразм услуб ва мактаблари қарор топади. Ҳар бир рақс мактабларнинг вужудга келиши, шаклланиши, ўзининг муаяян бир кўриниш ва қонуниятга эга бўлишида халқ фольклорининг, шунингдек, балетместерлар, ўша замоннинг зўравон мавфқураси томонидан таҳқирланган раққос ва раққосаларнинг хизмати беқиёсдир. Рақс услуби ва мактаблари бир-бирига таъсир кўрсатиб, бир-бирлари билан ижодий ҳамкорликлар натижасида ривожланди ва маълум бир тартибга келган назарий билимларга эга бўлди.

Сурхондарё-Қашқадарё рақс мактабига келсак, биз томондан олиб борилган тадқиқотлар натижаси ҳамда кўпкина олимларнинг мазкур соҳага оид тадқиқотлари ўрганиб чиқилганда Сурхон мактаби ҳақида тўлиқ асословчи манбаларга дуч келганимиз йўқ. Тўғри, Сурхон рақс мактабининг амалиётда Сурхондарё-Қашқадарё маҳаллий халқлари

ҳаракатлари мавжуд бироқ, уларнинг назарий –илмий ва бадиий таҳлили етарли эмас деб ўйлаймиз.

Урф одат, маросим, байрам анъаналарнинг таркибий қисми ҳисобланади. Инсон ҳаётида бўлиб ўтаётган муҳим воқеа ёки турмушда бурилиш ясайдиган катта “нуқталар”ни нишонлаш, белгилаш эҳтиёжи маросимларни келтириб чиқарган бўлса ажаб эмас. Кейинчалик бунини авлодларнинг такрорлаб туриши одатга, одатдан эса анъанага айланиб қолишига олиб келган. Шу тариқа ҳар бир миллатнинг ўзига хос анъаналар силсиласи шаклланган. Ушбу анъаналарда ўша халқнинг келиб чиқиш тарихи, дунёқараши, маданияти акс этиб туради. Анъана - жамоа ижодкорларининг маҳсули, шу билан бирга халқ тафаккури билан яралган турли маънавий қадриятларнинг жамоавий ҳолда сақлаб қолишнинг ҳам ўзига хос шакли ҳисобланади. Бинобарин, маънавий қадриятларнинг авлоддан - авлодга, оғиздан - оғизга ўтиб яшаши анъана ёки анъанавийликдир. Ўзбек халқи ананалари жуда қадимий бўлиб, уларда аجدодларимизнинг кураши, меҳнати ҳамда турли соҳаларда эришган маънавий ва маданий ютиқларида ўз ифодасини топган. Қадимдан такрорланиб, муттасил давом эттириб келинаётган анъаналаримиз миллий қадриятларимизнинг таркибий қисми ҳисобланади.

1.3.Фасллар ва мавсумий рақслар

Ўрта Осиё халқларинг анъана ва байрамлари табиат ўзгаришлари, иқлим, йил фасиллари, аҳолининг турмуш шароити, меҳнати, маданияти асосида шаклланиб, ривожланиб боргани учун ҳар фасилга мос, яъни ерта **баҳорда**- меҳнат мавсумига киришдан олдин (Наврўз, Гул сайли, Шох мойлаш), **ёзда**- ҳосилни йиғиштиришдан олдин (Сув сайли, Чой момо, шамол чақириш), **кузда** –ҳосил йиғиб олинганидан сўнг (Хирмон тўйи, Узум сайли, Қовун сайли) ва **қишда** чорвадор- деҳқонларда бўш вақ кўпайганида (Қорхат, Ясан-тусан, Гап –гаштак, қурултой) каби мавсумий маросим каби байрамлар деҳқонлар ҳаёти, турмуши, мавсумий меҳнат жароёнида ва маънавий оламида самарали шакллар бўлиб, уларнинг мазмуни ёшларнинг экологик онгининг раванқ топиш, табиат бойликларини қадирлаш, йил фасилларида вужудга келадиган гўзалликлардан завқланиш, меҳнатнинг қадрига йетиш, инсонийликни улуғлаш каби функцияларни бажаришда яхши хизмат қилган.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Сурхон воҳасининг ўзига хос, анъана, урф-одат, удум ва мароислари бор. Улар аҳолининг турмуш тарзи, ўй-фикр орзу-истакларини ўзида мужассам этган кундалик турмуш тарзига айланиб бўлган жараёнидир.

Анъана, урф-одат ва маросим тушунчаларида профессор, фалсафа фанлари доктори, йирик олим У.Қорабоев қуйидагича таъриф келтиради.

Анъана -бу ўзига хос иштимой ҳодиса бўлиб кишиларнинг онгида, ҳаётида ўз ўрнини топган, авлоддан авлодга ўтадиган, такрорланадиган, ҳаётнинг барча соҳаларида қабул қилинган тартиб қоидалар. “Одат”- “урф – одат” кишиларнинг турмушига сингиб кетган маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти- ҳаракатлар, кўпчиллик томонидан қабул қилинган ҳуқ атвор қоидалари кўникма. Маъросим – бу кўпинча анъана ва урф одатларнинг таркибий қисми бўлиб, инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган расмий ва руҳий кўтаринкилик

вазиятида ўтадиган, ўзининг умум қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган ҳаётий тадбир.

Қайси бир санъатнинг у ёки бу тури бўлмасин албатта у аҳолининг анъана, урф-одат, маросимсиз ўз кадр қимматига эга эмас. Хар бир санъатнинг у ёки бу тури албата анъана, урф-одат, маросимда яшайди, шаклланади ва ривожланади.

Мавсум - фасл, йил фасли. Хар бир фасл уч ойдан иборат бўлиб, хар бири ўзига хос иқлим ва табиат ўзгаришларига эга. Шунингдек, мавсумлар иқлимий астрономик, фенологик белгиларига қараб ажратилади. Иқлимий ёки синоптик мавсум астрономик фаслларга тўғри келмайди. Ўрта минтақада, жумладан, Ўзбекистонда 4 та мавсум - баҳор, ёз, куз, қиш ажратилади. Мавсум - бирор иш бажариладиган ёки табиат ходисалари бўлиб ўтадиган давр. Масалан, баҳорда экин экиш, ёзда меҳнат қилиш, кузда ҳосилни йиғиштириб олиш, қишда гап-гаштак қилиш ва бошқалар.

II-БОБ: СУРХОНДАРЁ МАВСУМИЙ РАҚСЛАРИ

2.1. Сурхон халқининг табиат ва мавсумий меҳнат байрамлари

Тарихий ривожланиш жараёнида дунёдаги барча халқларнинг жумладан, Ўрта Осиё халқларининг анъана ва байрамлари, уларнинг ҳаёти, меҳнати, турмуш маданияти ҳамда халқ яшаётган жой шароити, иқлими ва табиатига хос хусусиятлар асосида шакилланган. Барча халқлар ҳаётида меҳнат мавсуми ва ҳар бир фаслга мос, яъни эрта баҳорда – меҳнат мавсумига киришдан олдин, ёзда - ҳосил йиғштиришдан олдин, кузда - кузда ҳосил тўплангандан сўнг ва кишда, айниқса, далалар уйқуга кетган вақтда уюштириладиган мавсумий маросим ва байрамлар мавжуд бўлган. Айнан улар этногриф ва филологик адабиётларда “календарь байрами” деб ном олган.

Ўрта Осиё халқларинг, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи аҳолининг йил фасиллари ва меҳнат жараёни билан боғлиқ мавсумий (календарь) байрамларини табиат байрамларининг таркибий қисми сифатида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Мана шу табиат байрамлари бевоста ва билвосита мавсум билан боғлиқ. Демак мазкур мавсумий рақсларни тадқиқ қилар эканмиз, уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига мурожат қилмасдан иложимиз йўқ. Бунга тарихий нуқтаи назардан қаралса, табиат байрамлари сарчашмаларини энг қадимий даврлардан топишимиз мумкин. Чунки инсониятнинг энг қадимги урф-одатлари табиат ва меҳнат билан боғлиқдир. Миллоддан илгари Ўрта Осиёда, жумладан, нафақат Республикамиз балки, Сурхондарё вилояти ҳудудида айниқса баҳорни кутиш, ёзни иссиқ тафтида меҳнат қилиш, кузда қолган ҳосилни йиғишга оид меҳнат ва табиат байрамлари ривож топганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, одамлар ҳаёти ва фаолияти ҳамда меҳнати бевосита боғлиқ бўлган овчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва табиатни ўзлаштиришга оид маросим ва байрамлар шакиллана башлаган. Бироқ ибтидоий жамоа тузумида одамларнинг табиат

мўжизаларини тушунмаслиги ва табиат кучларини илоҳий куч сифатида тушуниши натижасида меҳнат байрамлари билан бир қаторда “табиатнинг илоҳий кучига сиғиниши”, “ёмғир тилаш”, “иссиқлик тафтидан химояланиш” каби диний маросимлари ҳам вужудга кела бошлади. Кейинчалик кулдорлик даврида зардуштийлик дини Ўрта Осиёга кенг тарқалиши натижасида оташпараслик маросимлари ва байрамлари муҳим ўрин тута бошлади. Зардуштийликнинг асосий эътиқоди оловга сиғиниш бўлгани учун, бу диннинг энг катта байрамларидан бири “Сада” эрон кўёши календарининг 11 ойи, Брахманнинг ўнинчи (ҳозирги календар бўйича 20 январь) кунида байрам қилинган.

Ўрта Осиё халқларнинг деҳқончиликка ўтиши ва бу соҳаларнинг ривожланиши натижасида йилнинг бошланишига, баҳорни кутишга, ҳосилни йиғиш якунига бағишланган кўплаб байрам ва маросимлар юзага келди ва анъанага айланиб қолди. Чунончи, Ўзбекистон территориясидаги халқларнинг йил фаслларига бағишланган кўплаб календар байрамлари бўлганлиги ҳақида Абу Райҳон Беруний асарларида маълумотлар бор. Жумладан, улуғ олим хоразмликларда йилнинг бошида “навсарджид”, саратонда “хараводод”, ёз ўртасида “чири”, “умри” каби байрамларнинг бўлганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Шунингдек, қадимий Бухорода гул очилиши муносабати билан ўтказиладиган “гули сурх”, мош пишганда ташкил қилинадиган “мошоба” каби йирик томоша ва ўйинларга катта байрам туси берилиб, халқ ўртасида кенг ёйилган.

Эрамиздан илгарики диққатни тортадиган қизиқарли ҳодисалардан бири, Ўзбекистон ҳудудида ҳам узум ғарқ пишган паллада қадимги гиреклардаги “Дионис”, “вакхикларга” ўхшаш маҳаллий байрамлар ўтказилган.

Ўрта Осиё халқларининг узум ҳосилини йиғиб олиб, ундан сармаст мусаллас тайрлаш билан алоқадор бўлган байрамларини мусиқа, рақс, кўшиқ ҳамда турли ўйинлар билан олиб боришлари ҳам мавсумиф рақсларнинг Республикамиз ҳудудида катта аҳамиятга эга эканлигини

таъкидлаб ўтиш лозим. Уларда табиат ҳодисаларининг ўтиши ва уларнинг қайта тирилиши ҳақида ибтидоий тушунчалар ифодаланганлиги шубҳасиз.

Академик С.П.Толстой ва бошқа соҳа олимларининг тадқиқотларида ҳамда Хоразм ва Термиз атрофларида топилган археологик манбаларда Сурхон воҳаси ҳудудида ҳам узумчиликка бағишланган байрамлар қадимдан бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўзбек халқ байрамлари тараққиётининг муҳим тенденцияси, улардаги инсонпарварлик халқчил ғоялар билан диний мазмун ўртасидаги курашдан иборатдир.

Байрамлар тарихига назар ташлар эканмиз, аввалги замонлар давлат ҳукумдорлари ўз манфаатдорлигига мос келадиган байрамларни уюштириш ва уларни ривожлантиришга ҳаракат қилганлар. Айниқса, бу ҳол VIII асрда арабларнинг Ўрта Осиёга ислом динини киритиш даврида ҳам ўз ифодасини топган. Баҳорда ўтказиладиган ва ҳозир ҳам анъана тусига кирган “Дарвешона”, “Дарвешоши” мавсумий байрамларини ўтказилиши, наврўз, гул сайли, ҳосил байрами қабиларга диний тус берилиши, айниқс, улар таркибига томоша, сайил, ўйин қулги, қўшиқ ва рақсларга бой бўлган ва меҳнаткашлар томонидан завқ-шавқ билан тантанали сифатда нишонланганлигини мисол тарқиасида келтириш лозим. Анъанавий табиат байрамлари орасида айниқса баҳор байрамлари Ўзбекистон ҳудудида кенг нишонланган улар ўртасида табиатнинг энг гўзал маҳсули гулга бағишланган сайиллар алоҳида ўрин тутди. Бойсуннинг қир-адирларида бойчечак, қизғалдоқ, лола қабил гуллар очилган вақтда лола сайлларининг ўтказилиши ва унда ўзига хос ўйин-қулги ва қуй-қўшиқ ва рақс ҳаракатлари уюштирилган.

Ўрта Осиё ҳудудида ибтидоий одамлар ҳаётида овчилик ўйинлари бўлганлиги, бугунги фанда энди сир эмас. Тахминий исботни биз палеолит даври Шеработдаги Зараутсойнинг тошларига туширилган тасвирлардан, мелоддан олдинги II - I минг йилликларда Фарғона водийсидаги Саймалитош ғорларида акс эттирилган деворий расмлардан ва бошқа археологик топилмалар, қиятошдаги тасвирий чизгилардан яққол

кўришимиз мумкин. Уларда нафақат тотемларга сиғиниш, балки овдан олдинги кўтаринги руҳиятни пайдо қилиш, ов жараёни, овдан кейинги шодиёналик, ҳайвон ниқоби ва қиёфасидаги овчи ўйинлари акс эттирилган. Мазкур расмларни диққат билан кўриб чиқар эканмиз ҳақиатдан ҳам овчиларнинг хурсанд ва шод қиёфасида байрам элементларини кўриш мумкин. Демак, меҳнат бу байрамнинг бош манбаи, асл ўзаги-негизи ҳамда илк чашмаси саналиб, байрам ибтидоий давирдан бошлаб яшаш учун кураш аслида ҳам мана шу меҳнатнинг натижаси шаклида вужудга кела бошлаган. Бундай ҳолат байрамнинг содда шакли сифатида намоён бўлишига қарамай кейинчалик у инсон маданияти ва санъатини ривожлантириш учун замин яратиб берган. Чунончи бундай байрам ҳолати жараёнида турли санъатларининг примитив кўринишлари ва махсус маросимлар ривожлланади тарихдан бизга шу нарса маълумки ибтидоий жамиятда ҳам жамоа ва унинг аъзоларига бағишланган тантаналар шакллана борган.

2.2. Сурхон рақс санъатининг шаклланиш жараёнлари

Рақс санъатининг тараққиёти бевосита ўша халқ яратган тарихи билан боғлиқ эканлиги боис рақс санъати тарихида ҳам унинг акс этганлиги борасида кенгроқ тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик. Хозирги ўзбек рақс санъатида ўзига хос ўз услубига эга бўлган Хоразм, Бухоро-Самарқанд ва Тошкент-Фарғона рақс мактаблари тан олинган. Биз ўз олдимизга қўйган мақсаддан келиб чиқиб шу кунгача ҳали яхши ўрганилмаган, илмий жihatдан кўриб чиқилмаган адабиётларда яхши ёритилмаган Сурхондарё вилояти ҳудудида шаклланган Сурхон рақс мактаби ҳақида ва бу рақс мактабининг тарихий издизлари тараққиёт йўли ҳозирги кундаги аҳволи, шунингдек, Сурхондарёдаги мавсумий рақслар ҳақида фикр юритамиз. Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Сурхон воҳаси қадим-қадимдан инсониятнинг бешиги бўлган ҳудудларидан бири эканлиги Бойсун тумани Мачай қишлоғидаги тош асрига мансуб неандертал одамларнинг қароргоҳи ҳисобланган Тешиктош камаридан топилган ушбу ноёб топилма ўз исботини берган. Неандертал боланинг бош суяги ва Зараутсой дарасидаги қояларга ибтидоий одамлар томонидан чизилган суратлар гувоҳлик беради. Қорли тоғлар бағрида сер ўт яйловлари ҳосилдор ерлари, кенг адирлари, серсув дарё ва сойлари, ҳатто чўллари бўлган бу ўлка одамларнинг яшаши учун жуда қулай бўлган. Замонлар ўтиб давлатлар ва динлар пайдо бўлгач бу жаннатмакон ўлка жуда гавжум ҳудудга айланган. Сурхон воҳаси ҳудуди қадимий Бақтрия давлатининг, Кушон империясининг, Араб халифалигининг, Турк ҳоқонлигининг, Буюк Темур Соҳибқирон салтанатининг таркибида тарихий жараёнларни ўз бошидан кечирди. Бу ерлик аҳоли тотемистик эътиқодларни, зардуштиёлик, буддавийлик ва ислом динларини кўрди.

Ҳар бир тарихий жараён халқнинг турмуши ва маданиятида ўз изини қолдирди. Сурхон диёри қадимий Буюк Ипак Йўлининг Шимолни Жануб билан, Шарқни Ғарб билан боғлаб турган серқатнов бекат бўлгани

учун бу ҳудудда яшаган халқлар кўшни давлатлар, кўшни халқлар билан доимий алоқада бўлиб келди. Натижада, Сурхон воҳасида ўзига хос маданият пайдо бўлди. Сурхон рақс санъати, шу жумладан Сурхон мавсумий рақслари ҳақида гапиришдан олдин умуман рақс санъати ҳақида қисқача мулоҳизаларни баён этишни лозим топдик. Одамлар нима учун рақсга тушадилар?. Санъатшунос олима Л. Авдеева ўзининг “Ўзбек миллий рақси тарихидан” номли китобида “Рақс замон ва маконда мавжуд санъат бўлиб, бунда бадиий образ инсон гавдасининг ритмик уюшган тасвирий ва ифодали ҳаракатлари билан яратилди”, деб ёзади. Тўғри, бироқ, назаримизда рақсни биргина шундай қисқа қоида билан тушунтириб бўлмайди. Бу қоида рақснинг ташқи кўринишини тасвирлайди, холос. Рақс фақат бир миллатга хос санъат эмас. Балки умумиинсоний бадиий ижоднинг маҳсули бўлиб дунёнинг барча миллатларига хос санъат туридир. Инсон ҳаётнинг гўзалликлари, ўзининг бу кенг оламдаги ўрнини, ўз туйғулари, нозик ҳислари, фалсафий ўйлари гавда ҳаракатлари билан ифода этишга эҳтиёж сезгандагина тўлақонли рақс санъати яратилади ва у яратилган. Инсон ноҳуш кайфиятда рақсга тушадими, бу унинг бевосида ички ҳис-туйғуларига алоқадор жараёнки. У хуш кайфиятда, кўтаринки руҳий ҳолатда рақсга тушади. Бу сирли эҳтиёжни қондириш инсон ҳаётининг бир бўлагига айланган. Халқ орасида шаклланган ўйинларда ижрочи ўз билганидай эркин тақлидий ҳаракатлар қилса, рақс ижрочиси маълум ҳаракатлар мажмуаси чегарасидан чиқмасдан, маълум қоидаларга таянган ҳолда муайян ҳаракатларни ижро этиб, ўзи ижро этаётган рақснинг фалсафий мазмунини очиб беради. Ҳар бир рақс инсон маънавиятининг бир қиррасини очади. Ўзбек миллий рақслари халқнинг турмуши, табиати, макони, рамзий маросимлари, халқ ҳаётининг ўзидан туғилган ва шу халқнинг ҳаётини тасвирлаб келган. Шунинг учун ҳам рақс санъати халқимиз ҳаётининг маданият ва маърифатининг бир бўлаги сифатида яшаб келмоқда. Бу жараёнларни Сурхондарё мавсумий рақсларида ҳам кўриш мумкин.

Рақс санъатининг мазмунидан келиб чиқиб санъатшунос олимлар рақсни қуйдаги турларга бўлиб чиққан:

- мазмунли сюжетли рақслар;
- лирик мумтоз рақслар;
- орнаментал рақслар.

Шундай экан, инсон ҳис туйғулари, ҳаёт кўринишлари чексиз бўлганидек рақс турлари рақсдаги ҳаракат турлари ҳам чексиздир. Рақс санъати ўзининг йўналишига қараб, асосан иккига бўлинган:

- халқ ижодиёти;
- профессионал ижодиёт.

Халқ ижодиётига оид рақслар одатда ҳавоскорлар томонидан ижро этилади. Ҳавоскорлар ижро этган рақслар кўринишидан содда, рақси безаклари камроқ, ҳаракатлари оддийдир.

Профессионал ижрочилар томонидан ижро этилган рақслар эса шу ҳудудда пайдо бўлган рақс услублари, ҳолат ва ҳаракатларидан фойдаланиб мазмунан қайта тўқилган ва шаклан мукаммаллаштирилган, шунингдек, бир қолибга солинган бўлади.

Шу тобда ўз ўзидан табиий бир савол туғилади. Ўзбек рақс санъатида қадимдан профессионал ижрочилик бўлганми ?

Олимларнинг такидлашича ўзбек рақс санъатида қадимдан профессионал санъаткорлар бўлган биз илгарироқ айтиб ўтганимиздек, давлатлар ва мистик динларнинг пайдо бўлиши диний ва умумхалқ байрам сайилларнинг ўтказилиши, сайилларда маърифий турмуш кечириш учун шарт шароит яратилиши анча санъат турларида шунингдек, рақс санъатида ҳам профессионал санъаткорларга эҳтиёжини кучайтирган профессионал рақс усталари яратган рақслар авлоддан-авлодга ўтиб бизнинг давримизгача етиб келган ҳозирги кундаги ўзбек рақсининг аҳволига назар солсак узбекрақс санъатида асосан 3 та

1. Тошкент-Фарғона рақс санъати услуби
2. Бухоро-Самарқанд рақс санъати услуби

3. Хоразм рақс санъати услуги тан олинган.

Бу учта рақс услуги санътшуносларимиз томонидан яхши ўрганилган ва бу ҳақида барча асарларда Фарғона ва Бухорадаги катта ўйин мақом рақси Хоразмдаги мақом уфори каби ўзбек хореографияси классификацияси бўлган рақслар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, Сурхон воҳаси рақслари ҳақида Сурхон рақс услуги ҳақида айтарли ҳеч нарса ёзилмаган 2001 йилда нашр этилган Л.Авдееванинг “Ўзбек миллий рақси тарихидан” деб номланган китобида ҳам Сурхон воҳаси рақс услуги ҳақида қисқагина умумий гаплар ёзилган ва Бойсун туманида бир неча ибтидоий ўйинлар тилга олинган холос. Сурхон воҳасининг рақс санъати ўта миллийлиги, шунингдек, бевосита юқорида тилга олинган йўналишнинг фақатгина халқ ижодиётига хослиги туфайли Совет мафкурасидаги маҳаллий раҳбарлар томонидан эскилик сарқити сифатида қабул қилинганлиги ҳам Сурхондарё рақс услубининг ривожига, унинг турли хил мавсумий, маросимий, урф-одат ва анъанавийлигини сақлашда, асарб авайлашда халақит берган ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатган. Сурхон воҳаси рақслари тоғлик Бойсун туманидаги “Шалола” ансамбили 1975 йилда Полша Республикасининг Закопене шаҳрида бўлиб ўтган VIII жохон тоғлик ўлкалари фольклор фестивалида қатнашиб “Кумуш болта” соврундори бўлганидан кейингина санъат аҳлининг этиборига тушди. Шундае кейин ва ҳозирги кунда Сурхонча рақс ҳаракатлар Республикамиздаги кўпгина фольклор жамоаларининг ҳамда Сурхондарё-Қашқадарё қўшиқчилик услубида ижро этилган куй-қўшиқларда рақсга тушаётган раққос ва раққосаларнинг ҳаракатларида ўз ифодасини топиб келмоқда. Рақс санъати ўз ижодкор ижрочилари билан яшаб келади. Сурхон воҳасининг қадимий рақсларинг билимдони ижроси бўлган қариялар оламдан ўтди. Лекин, барибир Сурхон рақслари бутунлай йўқолиб кетмади Сурхон рақс мактаби услуги ва мактабга мансуб рақслар, рақслардаги турли ҳаракатлар тасвири ҳақида янада кўпроқ илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Мазкур қисқа ҳажмдаги битирув малакабий ишимизни ёзишда асосан Бойсун тумани Марказий маданият уйи қошидаги “Бойсун” фольклор этнографик ансамбилида тўпланган материаллардан фойдаландик. Шу ўринда раққос ва рақосаларнинг либосларини, уланинг ўзига хос миллийлик хусусияти ҳақида ҳам тўхталишни жоиз деб топдик.

Ўзбек аёлларининг кундалик турмуш ва байрам либослари жуда хилма хил ва рангбарангдир. Республикамизнинг ҳар бир ҳудуди асрлар оша ўзи табиат ва иқлими, яшаш шароитларига мослаб яратган ўзига хос либосларга эга. Сурхондарё вилояти ҳам бундан мустосно эмас. Сурхондарё аёллари либос учун одатда тиниқ рангли, катта нақшли матоларни танланган. Ёш қизлар учун торроқ бичимда, аёллар учун кенг бичимда либослар тикилган бошқа киймлар кўйлак устидан кийиладиган нимча ва камзуллар, лоямлар, турли оёқ киймлар бошга ўраладиган рўмоллар, заргарлик буюмлари Сурхондарё аёллари либосларининг таркибий қисмини ташкил қилган. Аёлларнинг кундалик турмушда киядиган киймлари бўз, олача, жанда, кади маҳаллий косиблар тўқиган матолардан тикилган. Аёлларнинг байрам ва маросимларда киядиган кийимли эса ва ярим ипак матолар ванорас, абришим, шойи, атлас ва хон атласдан таёрланган аёллар кўйлаги ва лозими учун одатда қизил оч яшил, ҳаворанг, оч сариқ рангдаги матолар танланган. Кўйлакнинг ёқасидан этагигача икки ёки бир йўлли безак тикилган. Бундан ташқари кўйлакнинг этагида эни бир қарич атрофида нақшли безак тикилган. Худди шундай безак кўйлакнинг енглари учига ҳам тикиб чиқилган. Аёллар лозими тор, лозим балдоғида бигизда ёки игнада тикилган чироз ўрнатилган. Чироздан баландроқда бир ёки ярим қарич энида безак тикилган. Қизлар лозими торроқ қилиб бичилган. Кўйлак устидан одатда “енгсиз нимча ” ва “калта камзул” кийганлар. Нимча ва камзилларнинг ёқаси, жияклари ва этаклари нақш билан безатилган. Аёллар кундалик турмушда пахтадан тўқилган турли рангдаги чорси рўмоллардан фойдаланганлар. Байрам ва маросимларда эса одатда ипакдан тўқилган шоҳи румоллар - чорси, дока,

фаранги, ғижим, гулли шол рўмол, катта рўмол, харир рўмоллардан ёпинганлар. Бош киймларидан дўппиларнинг мунчоқ билан безак берилган ва безакли чироз тикилган “мунчоқ дўппи”, оддий бахмалдан тикилган “бахмал дўппи” кенг тарқалган. Сурхондарё вилоятида яшовчи ўзбекларнинг кўчманчи уруғига мансуб кўнғирот аёлларининг бош кийими “пўта” ҳам мавжуд бўлиб, турли рангдаги қийиқчалардан устма -уст боҳланиб ясалади. Аёллар кундалик турмушда чармдан тикилган енги “попиш” ва “бачки тахси” деб аталувчи оёқ кийимидан фойдаланганлар. Байрам ва маросимларда эса одатда ипакдан тўқилган шоҳи рўмоллар: чорси, дока фаранги, ғижим, гулли шол рўмол, катта румол, харир рўмолларни ёпинганлар. Бош киймларидан дўппиларнинг мунчоқ билан безак берилгани ва безакли чироз тикилган “мунчоқ дўппи”, оддий бахмалдан тикилган “ бахмал дуппи” кенг тарқалган. Байрам ва маросимларда “ковуш”, “амиркон ковуш”, “ғарч ковуш”, “амиркон махси” дан фойдаланганлар.

Аёллар ушбу кумуш ва олтидан ясалган безаклар билан безанганлар. Яъни, билак узук - қўл билакларига тақиладиган безак; балдоқ - бурига илинадиган сирғага ўхшаш безак буйими Сурхондарёда бу безак “летиба” деб аталади; зебигардон - тананинг кўкрак қисми учун шодалаб тайёрланган безак; хафабанд - кумуш кунғирағи ўрнатилган турли рангдор қимматбаҳо тошлар ва мунчоқлар шодаларидан тайёрланган безак; зирак - кичик ҳажмли қулоққа илинадиган безак; шода маржон - маржон (коралл)дан тайёрланган безак шодаси; нозигардон - турли хил мунчоқлардан тизиб тайёрланган шода; шозик - нафис мунчоқ ёки дур доналаридан тизилган шода; кифтак - елкаларга илинадиган безак; кўкрак тумор - кўкрак устига тақиладиган кумушдан ясалган қўш безак; кўкракнинг икки томонида илинадиган тумор - кумушдан ишланган ва бўйинга илинадиган тумор; мунчоқ пўпак - кўз тегишидан асровчи, кўкракка илинадиган пўпак; қўлтиқ тумор - турли инс-жинслардан ва кўз тегишидан асровчи метал қутича, одатда у кумуш ёки олтидан ясалади.

Бойсун аҳолиси бу безакни “Бозубанд” деб аташади; тўқа камар - тўқаси кумуш ёки олтиндан ясалган, зардўзи ёки нақш билан безатилган тасмадан иборат белга боғланадиган камар; тўғноғич - кичик рангли қимматбохо тош билан безатилган, кўйлак ва камзулларнинг ёқасини жипслаштириш учун ишлатиладиган безак.

Сурхондарё аҳолиси либосларининг яна бир ўзига хос хуссиятли томони шундаки, бунда эркакларнинг либосларининг ўзига хос ва ўзига мос жиҳатларини кўриш мумкин. Эркаклар кўйлагининг икки хили кенг тарқалган тури мавжуд, якто кўклак - ёқаси ўнгдан чапга ёпиладиган ва чап кўкрак устида тўғноғич ёки тугма билан бириктириладиган кўйлак; одми кўйлак - ёқаси бўйинга мос айланма қилиб тикилган кўйлак. Ҳар икки хил кўйлакларнинг ёқа ва этакларига 2-5 см нақш тикилади. Чолвор - пастки кийим. Ёш йигитларнинг чолворлари балоғида безак тикилади ва чолвор тор бичилади. Чолворлар одатда кўйлак устидан кийиладиган кийимлар тикилган матолардан тикилади. Кўйлак устидан кийиладиган либосларга чопон, енгсиз нимча, калта камзул, катта камзул киради. Чопон - одатий ўзбекча чопонлардек бичилиб тикилади. Бошқа ҳудудларда тикиладиган матоси билан фарқ қилади. Сурхондарё вилоятида “Жанда ” деб аталадиган беқасам, қора сатин, қора бахмалдан чопонлар тикилади. Чопон бошқа ўзбек чопонларидек бичилиб, тикилади. Нимча - эркаклар нимчаси қалинроқ бир рангли газламадан бичилади. Одатда нимчалар енгсиз бўлиб, ёқа, жияк ва этак қисми нақш билан безатилади. Катта камзул ва калта камзул – бу киймлар ҳам худди нимча каби бичилади-ю, лекин енгли бўлади. Калта камзулнинг ҳам ёқаси, этаклари, енгига безак тикилади. Нимча ва камзуллар чопонга нисбатан сипо ва танага жипсроқ, кишининг қоматини кўркамлаштирадиган услубда тўғри бичилади. Одатда Сурхон воҳасида эркаклар қадимдан кундалик ҳаётда оёқ киймларидан эркакча попиш, мўкки, одми чао этиклар кийшган. Байрам ва маросимларда безак боғли мўкки, турли рангдаги чарм этиклар, эркакча ковушлар, амиркони этиклар, “мўғиёни” деб аталган этикларни кийганлар.

2.3. Сурхон мавсумий рақслари

Халқ оғзаки ижодининг йил фасллари билан белгиловчи, турли маросим ҳамда анъанавий байрамлари ранг-барангдир. Бу жараёни куй-қўшиқ ва рақсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, рақсларнинг келиб чиқиш даврини тахминан энеолит (янги тош) даврида юзага келган овчилик, ундан кейин чорвачилик ва деҳқончилик меҳнатлари билан боғлаш аниқ ҳақиқатдир. Қадимдан инсоният қўли ва фаолияти билан боғлиқ ҳолда бажариладиган меҳнатлар йил фасллари билан узвий айланиб туриш жараёнига бевосита боғлиқдир. Натижада одамлар томонидан турли маросимлар, урф-одатлар, анъаналар ва ҳатто мавсумий тадбирлар ихтиро қилинди. Уларнинг барчасини негизида меҳнат ва албатта ўйинли (рақсли) ҳаракатлар ётади. Натижада бир-бирини тўлдирувчи мавсумий рақслар пайдо бўлди. Мазкур тадқиқотни ёритишда бевосита маросим тушунчасига дуч келдик. Чунки тадқиқотимиз учун объект бўлган мавсумий рақслар аслида мавсумий маросимларда кенг ижро этилган. Шу сабабдан мавсумий рақсларни ўрганишда айрим ҳолларда мавсумий маросим рақслари деб ўтишга тўғри келди. Масалан, баҳор келиши муносабати билан “Офтоб чиқди”, “Лайлак”, “Бойчечак”, “Қалдирғоч”, “Бургут” каби рақсли ҳаракатлар бажарилган. “Сумалак”, “Тулёр” айтимларида бевосита албатта мавсумий рақслар ижро этилган. Бу гўзал ва улуғ байрамларнинг сарчашмалари энг қадимий аجدодларимизнинг политиестик тушунчалари, жумладан, коинот, қуёш, ерга бўлган эътиқодларнинг асосида вужудга келган бундан IV-V минг йил илгари аجدодларимиз қуёшни энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик манбаи, деб билишган ва унга атаб махсус маросимлар ўтказишган.

Шу йўсунда митраизм – қуёш парастлик, унинг заминида эса оташпарастлик шакиллана бошлайди. Зардуштийлар оловни қуёшнинг ердаги зарраси – фарзанди деб билиб, қиш ва эрта баҳордаги маросимларда

катта гулханлар ёқиб қиш совуғини унинг ёрдами билан ҳайдашга ва кўкламни чақиришга, бу маросимлар эса турли баҳор байрамларининг шакилланишига асос бўлган. Меҳнаткаш халқ ҳаётида муҳим ўрин тутган баҳор байрамлари янги меҳнат мавсуми бошлашдан дарак берган. Шунининг алоҳида таъкидлаш керакки баҳорни кутиб олиш байрамлари барча халқларда қадимдан мавжуд бўлган халқларнинг дунё бўйлаб тарқалиши натижасида баҳор байрамлари барча ҳудудларга ёйилган ва кейинчалик бу анъаналар барча халқларда турли меъёр ва ҳар хил шакилларда уюштирилган кўпгина халқларда қишни кузатиш ва баҳорни кутиб олиш анъаналари энг йирик байрамларга айланган.

Беруний ўз асарларида Наврўзнинг яратилишига оид турли фикрларни келтиради. Жумладан, Наврўзнинг қосмонот, олам билан боғлаб таърифлайди. Наврўз - оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган, - деб ёзади Беруний. Шунининг таъкидлаш керакки Наврўз қосмонот одамларнинг бир-бирига сув сепиши анъанаси Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги лалмикор ерларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида яқин йилларгача сақланиб қолган.

Табиат байрамларининг муҳим афзаллик томони шундаки, улар одамларда яхши кайфиятни юзага келтиради. Табиатнинг қосмоноти, ўзгариши, оллоҳ яратган гўзалликлар ва нозу-неъматлар сўзсиз қосмонотлар диққатини тортиб, уларга хурсандчилик, шодлик ва байрам кайфиятини олиб келади. Масалан, қосмонотлар бир неча ой баҳорни сабирсизлик билан қосмонотлар. Кўклам қосмоноти, табиатнинг қўм-қўқ либосга бурқанишини ҳар бир қосмонот қалбида гўзаллик туйғуси, байрамона кайфият уйғотади. Дунё халқлари табиат уйғонишини ҳар йили шод-хурсандчилик билан кутиб олишнинг ҳам боиси шундадир. Хуллас табиат байрамлари инсон ҳаётидаги муҳим маънавий ижтимоий ҳодиса бўлиб қосмонотларда гўзалликка нисбатан муҳаббат уйғотади, табиатда қосмонот бўлаётган ҳодисаларни тушунишга ва қосмонот идрок этишга ёрдам беради. Табиат байрамлари ҳақида сўз қосмонот эканмиш, масалага ойдинлик қосмонотиш мақсадида уларни

шартли равишда икки турга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи тур байрамлар табиатнинг қонуниятларига беъвосита боғлиқ бўлиб, ўзи байрам ҳолатини ярата олади. Баҳорда далаларга чиқиб уюштириладиган лола сайли, ёз мавсумидаги “олтин ёз” ва кузни тараннум этувчи “олтин куз”, қиш фаслида “кумуш қиш” каби байрамлар бевосита табиатдаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Иккинчи тур табиат байрамлари инсон меҳнатига асосланади. Улар инсоннинг табиатдан фойдаланиши, уни ўзлаштириш учун қилинадиган меҳнати натижасида ҳосил бўлади. Дехқонлар ўз меҳнатлари самараларини йиғиб бўлганларидан кейин нишонланадиган “қовун сайли”, “узум сайли”, “олма сайли”, “ҳосил байрами ” каби анъаналарда табиат инсон меҳнати билан чамбарчас боғланиб кетади.

Баҳор фасли мавсумий рақслар.

Суст хотин - мавсумий маросим фольклор жанири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг жанубий сарҳадлари ҳисобланган Сурхон воҳасида қурғоқчилик йилларида бошқа ҳудудларга нисбатан жазирамали кунлари анча кўп бўлади. Бу ҳудудда қуёшли кунлар 245-270 суткани ташкил этади. Ёз мавсумини улуғловчи мазкур маросимлар ҳам ўзига ҳослиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ёзнинг иссиқ жазирама кунларида экинларга сув керак. Ёзнинг жазирама қуёшли кунлари ҳароратнинг кескин кўтарилиши сабабли қурғоқчиликдан экинларни сақлаб қолиш, лалми майдонларга экилган экиндан кўпроқ ҳосил олиш учун май ойи охирлари ва июн ойида ёмғир чақириш мақсадида бутун Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларда яшовчи қишлоқ аҳли биргаликда “Сус-хотин”, “Талаби борон”, “Сув хотин”, “Чала хотин”, “Сўз хотин”, “Суст хотин” каби маросимларни тез-тез ўтказиб турган. Мазкур маросим Ўрта Осиё, Кавказ ва бошқа халқлар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, ўз даврида “Сўз хотин”, “Сут хотин”, “Сув хотин” деб ҳам юритилган.

“Суст хотин” маросими қадимда икки босқичда амалга оширилган. Жумладан, ўн-ўн беш киши кади (ичи бўш қовоқ)га сув тўлдириб уни узун

гаров билан боғлаган. Кади кўтарган кишилар сув ўтмайдиган нарсалар билан ёпиниб, ҳар бир хонадонга бориб “Суст хотин” кўшиғини айтиб, кўшиқ ритмига ўзларининг имкониятларидан келиб чиқиб, ўйинларга тушишган. Кўшиқни эшитган хонадон соҳиблари бир челақ сув сепиб, бисотидаги бор нарсалардан уларга совға-салом улашган. Айримлар кўй-эчки берган. Маросимнинг иккинчи қисми суви қуриб қолган сойларда давом эттирилган. Йиғилган хайриялардан жонли қурбонлик қилиниб, катта базм уюштирилган. Дастурхон атрофига таклиф қилинган аҳоли турли таомлар билан сийланган. Соё бўйида йиғилган бир гуруҳ эркак ва аёллар оқ тошларни бир-бирига уриб, ишқаган, ундан чикқан учқун товушни ёмғир олди момақалдироқ чақмоғи рамзи деб билган. Шундан сўнг “Суст хотин” кўшиғини куйлаб рақсга тушган. 1980 йилларда “Бойсун” фольклор этнографик ансамбли халқимизнинг қадимий кўшиқларини йиғиб, қайта тиклай бошлади. “Суст хотин” маросим кўшиғи ҳам аҳоли орасида сўраб-суриштирилиб қайта тикланилган “сахнавий” кўринишда ижро этилади. Суст хотин маросими мавсумий маросим ҳисобланади. Унда маросим иштирокчилари кўшиқ ижросида рақсга тушиб, турли хил қизиқчилик қилишган. Бойсун фольклор этнографик ансамбили тўплаган ва йиғган маросим рақсида эркак ва аёллар биргаликда қулоқларини ёйиб, кафт ва панжаларини очган ҳолда гоҳ айланиб, гоҳ оёқда ритмик ҳаракат қилиб, куй-кўшиқ нақоратида осмонга илтижо қилган ҳолда ўйинга тушишган. Айрим рақослар икки тизанлаб ўртага ўтириб олиб, турли қўл ва кафтларини қимирлатган ҳолда ўйнаганлар. Мазкур рақснинг ушбу хореографик жиҳатларига қисман тўхталиб ўтилди. Бироқ, унинг хореографик назарий таҳлили юзасидан кенг миқёсли тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Лола сайли. Мавсумий тадбирлардан бири. Асосан Сурхон воҳасида гарчан баҳор эрта келсада апрел ва май ойларида ўзига хос тарзда маҳаллий аҳоли томонидан уюштириладиган сайл байрамлари сирасида тилга олинади. Тарихий маълумотлар ҳамда баъзи ерлик кекса аҳоли

вакллари (фольклоршунос Х.Хурсандов, санъатшунослик фанлари номзоди Қ.Панжиев)ларнинг фикрларига кўра, бу тантана апрел ойининг иккинчи ярми ва май ойининг охириг кунларига қадар давом эттирилган. Сурхондарё вилоятнинг текислик ва паст-текисликда яшовчи (Шеробод, Музрабод, Ангор, Термиз, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шурчи, Узун туманлари) аҳолиси ўзларига яқин жойлашган тоғли ҳудудлар (Бойсун, Олтинсой, Денов, Сариосиё)да жамоа-жамоа ҳолда ёки оилавий ҳолда бориб кун давомида, турли тоғлик гулларни териб лола сайли маросимини ўтказганлар. Ушбу маросимда “Лола, лола, лолажон”, “Ҳей лола”, “Лолачага ишим бор” ва бошқа шу каби кўшиқлани куйлаб, турли рақсли ҳаракатлар қилиб, бир-бирларининг кўнглиги завқ-шавқ улашган. Шунингдек, тоғли ҳудудлар аҳолиси кенг жамоа бўлган ҳолда олдиндан махсус тайёргарлик кўриб бир жойдан иккинчи жойга кўчиб сайл қилиб юришган сайил ўтказилаётган қишлоқлар ва сайилгоҳларда одамлар кўтаринки кайфиятда бўлиб, у ерда куй ва кўшиқлар янграган рақсга тушиб, ўйин-кулги қилишган. Шунингдек, мазкур сайлларда турли томошалар кўрсатиб, хўроз, кўчқор уриштиришиб, кўпкари ташкил этганлар. Мавсумий рақснинг хореографик назарий таҳлили юзасидан кенг миқёсли тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Ёз фасли мавсумий рақслари. Адабий манбаларда қайд этилишича қадимги даврларда Сурхондарё ҳудудида ёзнинг иссиқ кунларида байрамлар кам уюштирилган. Шундай бўлсада ёз фасли бошланишида иссиқ иқлим шароитида яшаб келаётган Сурхон халқи анъаналарида қадимдан сувга ва сув ҳавзаларига бориб чумилишга оид урф одатлар ва байрамлар кўп бўлган бироқ, улар араблар истилоси даврида камайиб борган, кўпгина жойларда эса йўқолиб кетган. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхон воҳасида қадимдан ўтказилиб келинган ва яқин-яқингача сақланган “Сув сайли” ҳақидаги баъзи маълумотларни келтириб ўтишимиз лозим топдик. Ёзнинг бошида кунлар исиб, сойлар, дарёлар, ариқлар сувга тўлганда илк бор чўмилиш муносабати билан

вужудга келадиган “Сув сайлига” бағишланаган анъанавий маросим ўтказилган. Экаклар жамоа-жамоа бўлиб, яқин атрофдаги сув ҳавзаларга чўмилишга борганлар. Тоза сувда покланиб, танаси роҳатланиб бўлгач, ўзлари билан олиб борга егуликлардан исътемом қилиб, дам олганлар. Мазкур тадбир тугагач “Сулаймон” парилар (азиз авлиёлар)га атаб жонлиғ сўйиб, қурбонлиқ қилишиб, куй-қўшиқлар айтиб рақсга тушишган. Аёлларнинг сув сайли, ой тўлган кун, кечаси сутдай шула таратган кунларнинг бирида ўтказилган. Аёллар, қизлар шу куни кечаси чўмилиш ҳавзаларига бориб, чўмилиб, тоза сувда покланиб, тонгга қадар суҳбат қуришган. Шу куни кечаси бирорта ҳам экаклар уйларида чиқишмаган. Эртаси куни турли овқатлар пишириб, куй-қўшиқлар ижро этиб, рақсга тушишган.

Қиш фасли мавсумий рақслар.

Агар баҳор сўнгида ва ёзда сувга эътиқод қилиш одатлари кенг тарқалган бўлса, кеч куз, қиш ва эрта баҳорда уюштириладиган барча байрам ва маросимларда олов ёки гулхан ёқиш анъана бўлган. Зардуштийлик таълимоти Сурхондарё вилояти аҳолисининг турмуш тарзига ўзининг каттагина хиссасини қўшган. Зардуштийлар ҳайт ёки маросимларни ўтказиш учун доимо ўт ёниб турадиган “оташхона”ларга йиғилишган. Масалан Зардуштийликнинг энг йирик байрамларидан бири “Сада” бўлган. Кўпгина тадқиқотларда Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида оловнинг кашф этилишига бағишланган байрам ҳисобланганлиги ҳақида алоҳида боб келтирилиб, унда ёзилишича адолатпаноҳ Ҳушанг бир гуруҳ кишилар билан тоққа бораётганда тўсатдан у баҳайбат илонга дуч келди. Ҳушанг катта тош отади, бироқ тош илонга тегмай қоя тошга бориб тегади ва бирдан тошлар орасидан учкун ва олов чиқади. Шу ҳодисадан сўнг Ҳушанг оловни қандай ҳосил қилишини кашф этади. Шундан сўнг сада байрамига асос солинади. Ушбу байрам қишнинг энг чилласида одамлар жамоаси иштирокида ўтказилиб, олов атрофидан айланилиб, ўйин-кулги қиланган” деган қимматли маълумотлар келтирилган.

Барча мавжуд манбаларга асосланиб, бу байрам киш мавсумида ўтказилганлигини яққол билса бўлади. Бироқ баъзи тарихий асарларда бу байрам киш бошланишида, бошқаларида эса қаттиқ совуқ кунлар бошланиши (“чилла”) дан олдин, яъни энг қисқа кун ва энг узок тун бўлганида, яна бирида эса қишки совуқлар тугаганда ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар берилган. Бундан келиб чиқадики, киш вақтидаги барча байрамларда олов, гулхан ёқиш одат бўлган. Уларнинг энг каттаси “Сада” бўлган бўлса ажаб эмас. Баъзи манбаларда келтирилишича сада байрами хусусида Беруний жуда қизиқарли маълумотлар келтиргани ҳақида фикрлар келтирилган. Берунийнинг ёзишича “шу куни киш жаҳаннамдан дунёга чиққади. Шунинг учун одамлар олов ёқиб, киш зарарини даф этиш учун тутатқи тутадилар. Ҳатто, ўша кеча олов ёқиб алангатиш, шу оловларга ёввой ҳайвонларни пишириш, алангалар ичига паррандаларни учуриш ва (олов) атрофида (ичимликлар) ичиб, ўйин-кулгу қилишади. Ҳатто бу кун подшоҳлар ҳам маросимга иштирок этади” дейилади. Хуллас, зардуштийлар байрамлари бўлган “сада” байрамида айниқса гулхан ёқиш ва олов атрофида ўйин-кулгу қилиш, еб-ичиш асосий анъана бўлган. Мазкур сада байрами 1900 йилларда Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларида ўтказилган. Унда аҳоли қишлоқ ва овулларда истиқомат қилаётганлар одамлар чилла кунларининг бирида махсус танланган жойда йиғилиб, олов ёқиб, кийик, қўй, эчки каби ҳайвонларни пишириб, ўйин кулги қилган. Турли ҳаракатли ўйинлар қилиб рақсга тушган. Бу анъанани кейинга вақтларда овчилар ҳаётида учратиш мумкин. Жумладан, Бойсун тумани қишлоқ аҳолиси асосан эркаклар қишнинг энг совуқ ва қор кўп тушган чилласида уч-тўрт кун, баъзан бир ҳафта тоғнинг балад қисмига овга чиқиб кетади. Шу даврда улар ов қилиб, олов ёқиб, ўлжани пишириб, қўшиқлар куйлаб, рақсга тушиб, ўлжадан уйга ҳам олиб қайтганлар.

Мазкур БМИ бўйича тадқиқотларни олиб борар эканмиз, “Сада” байрамининг давоми сифатида талабаларнинг бир-икки баъзан, уч ойлаб

пахта йиғим теримига иштирок этиб, охирги уйга қайтиш куни кечаси эрта тонггача олов ёқиб, унинг атрофидан айланиб, ўйин кулги қилиши, кандайдир аجدодлардан мерос ўтганлигини тасаввур этамиз.

Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Сурхон воҳасида хама қиш фаслида узун тун ва қисқа кун бўлиб, ёз-куз бўйи қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлган дехқон ва чорводор қиш мавсумида бир оз бўш вақтлари кўп бўлади. Аҳоли ўзининг бўш вақтини унимли ўтказиш анъаналари улар ҳаётида алоҳида ва муҳим ўрин тутди. Қиш вақтида гап гаштаклар авжига чиқади. Бахшиларнинг дoston айтишув кечалари, эртақ топишмоқлар айтишув кечалари мунтазам уюштирилади. Бундай тадбирлар албатта ўйин-кулгисиз ўтмайди. Қиш мавсумида Сурхондарёда ўтказилган гап-гаштакларнинг бир-биридан қизиқарли ва мазмунли ўтказишга ҳаракат қилинган. Меҳмонга ташриф буюрганлар ўзларининг рақсда, кўшиқ куйлашда бор маҳоратини ишга солган. Хонадон соҳиблари уларни турли мазали таомлар билан сийлаганлар.

Қишки дам олиш аҳолининг ҳаётига ўзгача мазмун бахш этиши аниқ. Қиш – фаслида одамларнинг бўш вақти кўп бўлсада бироқ бошқа фаслларга қараганда бу мавсумда байрамлар кам бўлади. Шунга қарамай қиш фасли билан боғлиқ “қор ёғди” ёки “биринчи қор”, “қор хат ” каби одатлар анъана тусига кирган. Сурхондарёда бу тадбир ўзгача тусда ўтказилади. Яъни, биринчи қор ёққан куни одамлар бир-бирига қор хат ёзади. Қор хатда бирор зиёфат уюштириш ёки совға-саломлар улашиш ёки куй-кўшиқли бадий тадбир ташкил этиш каби орзу-истаклар битилади. Қор хат ёзган одам бирор хонадонга ташриф буюриб, ушбу хонадонга меҳмон бўлиб, кетар чоғи қор хатни бериб, дарҳол қочиб чиқиб кетса, мезбон томон қор хатда келтирилган шартни бажариш лозим бўлган. Агар, қор хат берган одамни дарҳол қўлидан ушлаб тутиб қолса, қор хат ёзган одам қор хада келтирилган талабларни бажариши шарт бўлган. Шу залда одамлар қиш фаслида турли кўнгил очар тадбирларни ўтказган.

Куз фаслида мавсумий рақслар.

Маълумки, Сурхондарё мамлакатмизнинг энг жанубий сарҳадлари саналади. Бу вилоятда йилнинг 4 та фаслини бир вақтда қўриш мумкин. Шу сабабли ҳам бу ерда ўтказиладиган мавсумий маросимлар ўзининг ранг-баранглиги, сер-қирралиги ҳамда санъатнинг барча турларини ўз ичига қамраб олганлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, бошқа худуларда бўлгани каби Сурхондарё вилоятининг тоғли худудларида эрта баҳорда экилган ҳосил, куз фаслига келиб йиғиштириб олинади. “Обло барака”, “Ўрим”, “Хўп майда” меҳнат жараёни билан боғлиқ мавсумий маросимлар айнан куз фаслида ўтказилган.

“Хўп майда” маросим қўшиғи мавжуд бўлиб, ушбу маросим кадимдан Бойсун худидида ўтказилган. Бойсуннинг тоғли лалми ерларида йиғиб олинган ҳосил жазирама куннинг иссиғида ёйиб қуритилган. Донни поядан ажратишда от, хўккиз, эшакдан кенг фойдаланилган. Яъни, поялар устидан 5-10 га яқин юқорида тилга олинган ҳайвонлар бир-бирига бўйинма-бўйин боғланиб, галагов қилиб, ики ва уч нафар одамлар ҳайвонларни галаговга қўшиб ҳайдашган. Бир киши панж шоҳада майдондаги донни бор пояларни галаговга қўшилган ҳайвонлар оёғи остига ташлаб турган. “Хўп майда” қўшиғи ана шу жараёнда айтилган. Галагов қўшувчилар қўшиққа жўр бўлиб, турли рақсли ҳарактлар қилиб, мазкур меҳнат жараёни руҳий кўтаринки кайфиятда олиб борган. Бойсун фольклор этнографик ансамбли мазкур маросимда ижро этиладиган “Хўп майда” қўшиғи ва ундаги рақсни тиклашга ҳаракат қилган. Ушбу қўшиқ рақсида уч нафар раққос ҳайвонлар ўрнига бир-бирининг елкасига қўлларини кучоқлаган ҳолда қўйиб, куй ритмига мос оёқларини алмаштириб юради. Орқадаги киши гўё ҳайвонларни галаговдан четга чиқиб кетмаслиги ва уларни бир меъёрда юришини таъминлаган ҳолда “Хўп айда” қўшиғини куйлаб, рақсга тушиб боради. Мазкур меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлган мавсумий рақснинг хореографик назарий таҳлили юзасидан кенг миқёсли тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

“Обло Барака” маросими Бойсунда мунтазам ўтказиб келинган аммо, шўролар ҳукмронилиги даврида унга диний тус берилиб, ўтказиш катъий тақиқланган. Мустақиллик шарофати ила бу миллий қадрият яна қайта тикланди. Анъанага мувофиқ, хирмон кўтарилган куни дон ҳосилидан умидвор кишилар ўз халта - қопи билан хирмон кўтарилган жойга йиғилиб, маросимга оид “Обло барака” қўшиғини куйлаб, рақсга тушишган. Ижрочи қўшиқ куйлаётган вақтда қўшиқ сўзларини айтгандан сўнг, кенг қулочларини ёйиб, хирмон атрофидан айланиб, эркин ҳаракат қилган. Атрофдагилар эса хирмонга барака тилаб “Обло барака” дея қўшиқ ва рақсга жўр бўлган. Маросим қўшиғи тугаши билан оқсоқол “Оқ фотиҳа” бериб, Аллоҳдан кейинги йил ҳам мўл-кўл ҳосил бўлишини тилаган. “Обло барака” мавсумий рақсининг хореографик назарий таҳлили юзасидан кенг миқёсли тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Мавсумий рақсларни умумназарий масалаларини кўрар эканмиз, уларда асосан шу ҳаракатларни намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Яъни, мавсумий рақсларда асосан қўл ҳаракатлари асосий ўринда туради. Бу каби қўл рақси гуруҳини Бойсунда “Уфори куфт” деб атайдилар. Бу каби қўл рақсларини ижро этаётганда раққослар қўлларини енгил мушт тугиб, кўрсаткич бармоғини ёки кўрсаткич ва ўрта бармоқларини тўғри тутадилар, турли ҳаракатлар қилаётганда қўллар ҳудди бир нарсага ишора қилаётгандек бўлади. Баъзи раққос бир ҳолатда тўхтаб қолади ва танасининг юқори қисми, айниқса, бармоқлар билан ишора қилишда давом этади. Кейин у қўлларини кўкрагига чалиштиради ва бошини икки томонга тебратиб турган ҳолда бармоқларини кўтариб тушуришда давом этади. Шунингдек, оёқ ҳаракатлари ҳам маълум бир тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Бойсунда оёқ ҳаракатлари “пойбози” рақслари деб аталиб, тоғлик йигит – чидамли, чаққон овчи, чўпоннинг барча чайир мушаклари ҳаракатда бўлишини бошқаларга кўз-кўз қилади. Бойсунлик раққослар рақсга тушишда қаддини кескин тиклайди, елкаларни пастроқ тушуради, қўлларини ўткир бурчак ҳосил қилади, билаклар юқorigа кўтарилиб,

кафтлар олдинга қараб туради, тиззалар икки томонга тўлиқ очилиб, раққос анча паст ўтиради. Унинг танаси ясси текислик устига узала тушиб олгандек бўлади. Кейин ҳеч қандай ҳаракатларсиз, бир жойда “бутун тана мушаклари” рақси бошланади, бунда фақат мушаклар “ишлайди”, бўйин поғаналари қимирлайди, қошлар учади, елкалар билинар-билинемас титрайди, қўл мушаклари титраб, товланиб туради. Қўл учлари акс-садо каби шу титроқни такрорлайди. Кейин мушаклар титроғи бутун танага, кўкракка, қорин ва оёқларга ҳам ўтади. “Пойи машқ” гарчанд оёқ рақси бўлсада, бунда бутун тана ва мушаклар рақсга тушади. Рақсинг ижро техникаси раққоснинг ҳар бир мушагини ишга сола билиш қобилиятига боғлиқдир. Бу ҳаракатсиз рақс техникаси мушаклар кучини тўғри йўналтиришни ва шунга яраша нафас олишни талаб этади. Катта ёшли кишига бу рақсни ўрганиш мушкул, чунки мушаклар ва нафас оқимини бошқара олиш қобилияти болаликдан тарбияланиб борилади.

Сурхон воҳасининг қадимий эркаклар рақси “Бойсун мавриги” рақси асосан баҳор, ёз ва куз фасилларида кенг ижро этиладиган рақс ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мазкур рақсни мавсумий рақслари сифатида келтириб ўтишни жоиз деб топдик. Сурхон рақс мактабида “Бойсун мавриги” рақси алоҳида аҳамиятга эга бу рақс тузилиши ҳаракатлари мазмуни ва кўриниши билан бошқа рақслардан катта фарқ қилади. “Мавриги” рақси одатда катта давраларда якка раққос томонидан ижро этилган. Рақс давомида давра иштирокчилари ҳам фаол иштирок этиб ўртадаги раққоснинг ҳаракатларига далда бериб қарсак чалиб турганлар. Ҳар қандай маросимда якка раққосни етти ёки тўққиз нафар йигитлар доира шаклида ўраб турганлар. Бу даврани “Қур” деб атаганлар. Қурда еттита ёки тўққизта йигитнинг бўлиши қадимдан туркий халқларда етти сони бало ва офатлардан қўриқловчи тўққиз сони бахт келтирувчи деб тушинилган. Шу сабабли ҳам “Мавриги” рақсида якка раққосга алоҳида ҳурмат кўрсатади. Чунки қадимдан Сурхон воҳаси ҳудудида эр киши бирон бир хислати билан ном чиқармаса унга тўй ва маросмлар даврасига

чикиб рақс тушишга рухсат берилмаган бу одат Сурхон воҳасининг Бойсун, Олтинсой, Денов, Саросиё тоғли қишлоқларда 1970 йилларгача сақланиб келган. Бундан ташқари рақс илоҳий тушинчалар замирида пайдо бўлган бу тушунчалар кўпгина халқларда сақланиб келаётгани ҳам Сурхон рақс мактаби эркаклар рақсларидаги якка раққосга алоҳида ҳурмат кўрсатишга сабаб бўлса ҳам ажаб эмас. “Мавриги” рақси жазава туркимидаги рақсларнинг энг мукаммал рақси ҳисобланади. Бу рақснинг ўзига хослиги оёқларнинг лўқшими ҳаракатлари туфайли бутун тананинг услубга мос лўқшиши бўлиб бундай лўқшима ҳаракат бошқа эркакча рақсларда учрамайди. Бу рақс жуда қадимий бўлиб бизга маълумки ижрочилардан IX асрларда Бойсун туманининг Авлод қишлоғида яшаган Азим сурнайнинг 60 йилларгача эса Бойсун шаҳрида яшаган Хожи Болта бобо бу рақсни меъёрига етказиб ўйнаган. “Мавриги” рақсини XX-асрнинг 80 йилларигача Хожи Болта бобонинг ўғли Ахат Болтаев касби педагог бўлган ажойиб дуторчи, яхши овоз соҳиби Зиқурулло Умаров, Абдуҳолиқ Назаровлар ижро этган 1986 йилдан ҳозирги кунларгача бу рақсни Бойсун фольклор этнографик ансамбли иштирокчилари Ҳабиб Умаров, Комил Раҳмонов ва Исмоил Жумаевлар ижро этиб келмоқдалар. “Мавриги” рақси Бойсун тумани ҳудудидан Олтинсой тумани Воҳшивор қишлоғида, Денов тумани Ўшор Сина қишлоқларида, Саросиё туманининг Дашнобод қишлоқларида ҳам сақланиб қолан лекин Бу ҳудудларнинг биронтасида ҳам Бойсундагидек мукаммал ижро сақланиб қолмамаган. Бойсун туманида “Мавриги” куйи машшоқлар гуриҳи томонидан доира, най, дутор, танбур жўрлигида ижро этилган мукаммал куй бўлишидан ташқари яна иккита доира ва сурнайда ҳам алоҳида ижро этилади. Умуман олганда “Мавриги” рақси бошқа ҳудудлардан умуман фарқ қилади. Воҳшивор, Дашнобод, Ўшор ҳудудларида ижро этилган “Мавриги” фақат доира ва сурнай жўрлигидаги куйда ижро этилади. Бу ҳудудларда рақс ижроси пайтида “давра” ёки “қур” учун махсус гуруҳ бўлмаган ва “Мавриги” рақсида кўпи билан икки ёки тўрта ҳаракат ижро этилади холос”. Бойсунда

эса бу рақс мукаммал маросим рақси сифатида сақланиб қолган. Бойсун “Мавриги” рақсининг бошқа эркакча рақслардан фарқи шундаки, бу рақснинг ижроси давомида раққос бутун танасидаги мушакларни кучантирмасдан бўш қўяди рақс ҳаракатларини аниқ ижро этишдан ташқари тананинг қисмлари айниқса кўкрак ва елкалар зарб билан ва зарбнинг орасида тебранма ҳаракат қилади. Раққоснинг боши алоҳида тебраниб туриши юзда эса рақс бошланиб тугагунча ўйчан ва жиддий ифода туриши керак гўё рақс билан бутун олам бирга ҳаракат қилаётгандек раққос ўзининг ички дунёсини тинглаётгандек ҳолатда бўлиши керак.

Бойсун “Мавриги” куйида ҳам бўйсунмас туйғуларни жиловлаб турадиган бир куч бор. Куй бир маромда чалинсада, доира зарблари ҳар иккинчиси санокда урғули бўлади. Биринчи санокда рақснинг ҳаракати мулойим бўлсада, иккинчи санокда ҳаракатнинг тугашида раққос кескин ҳаракат қилади. Умуман олганда “Бойсун мавриги” рақсидаги барча яхлит ҳаракатлар бир-бирига зиддиятли иккита санокда бажарилади. “Бойсун мавриги” жуда қадимдан яхлит ҳолда сақланиб келгани аниқ. Бунини, ундаги ҳаракатлар, ҳаракатлардаги имо-ишоралар, раққоснинг ижро давомида раққоснинг жиддий юз ифодасини сақлаши замирида бу рақснинг қадимий маросимларда ижро этилгани ва инсоннинг осмон ва заминда илоҳий кучлар билан боғлиқлигини талқини борлигидан англаш мумкин. Қадимда ҳар бир ҳаракат ҳар бир ишора томошабинлар томонидан сўзсиз ҳам англаниши мумкин бўлган тушунчаларни ифодалаган. Яъни, ҳаракат ва ишоранинг ўрни фикрни ифодалашда жуда фаол иштирок этган. Қадимий рақс санъатининг дурдонаси бўлган “Мавриги” бир томошабоп ўйин сифатида ижро этилиб, ҳозирги кунга қадар Бойсун шаҳри тўй ва сайилларда ижро этилмоқда. Рақс 25-30 минут давом этиб, мусиқачилар куйни узмасдан қайта–қайта чаладилар ва рақслар алмашиб туради.

ХУЛОСА

Ўзбекистон халқининг бой ва ранг-баранг фольклор меросига эгаллигининг этник таркибининг серқатламлиги ва тарихий тароққиёт йўлининг дунё тамаддуни ўчоқларидан бўлмиш Марказий Осиёдаги икки дарё оралиғида кечганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Чунки Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ҳудуд қадим қадимдан ҳақларнинг буюк кўчишлари ҳамда турли сиёсий маданий иқтисодий муносабатлардаги юксалиш ва ривожланишда бир чорраҳа вазифасини ўтаган. Бу борада биргина Буюк Ипак йўлининг ушбу ҳудуднинг деярли тўлиқ кесиб ўтганлигини эслашни ўзи кифоя. Ўз навбатида, қайси ерда савдо йўллари ўтса, ўша жойда иқтисодий-сиёсий ва маданий юксалиш жараёнлари кечганлиги табиийдир. Ўрта Осиё ҳудуди жумладан икки дарё оралиғида пайдо бўлган этнослар ва давлатлар тарихининг ва тарраққиётида муҳим ўрин тутиши ҳам бу ҳудуднинг ҳар жиҳатдан қулай шароитда жойлашганлиги билан белгиланади. Ўзбек халқи учта катта этник бирикмадан ташкил топган: булар қорлиқ, қипчоқ ва ўғуз қабила бирлашмаларидир. Уларнинг ўзаро бирикуви натижасида бугунги ўзбек халқининг ядроси пайдо бўлган. Маълумки уч қабила бирлашмалари бошқа ҳудудларда ҳам туркий халқларнинг шаклланиб таркиб топишида муҳим роль ўйнайди. Айни жараёнлар халқ оғзаки поэтик ижодида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Хусусан халқ оммасининг бадиий ижодий амалий фаолияти билан боғлиқ бўлган анъанавий моддий ва номоддий маданиятнинг халқ оғзаки ижоди фольклор, халқ мусиқаси, халқ театри (томоша санъати) халқ ўйинлари (рақс), халқ тасвирий ва амалий безак санъати, халқ архитектураси ҳамда шу каби ижодиёт турларида бу ҳолат янада яққол кўзга ташланади. Шу сабабли ҳам ўзбек халқи бошқа туркий қардошлар ва ёнма-ён яшаётган кўшнилар билан ҳар жиҳатдан яқин алоқа боғлаган. Кўплаб муштарак жиҳатларга эга. Ўзбек этноси том маънода бой маъданий мерос яратди. Жумладан, унинг миллий рақси ҳажм ва бадияти билан ҳам алоҳида

этиборга лойиқ. Келажак авлодни ҳар томонлама ғоявий-эстетик жиҳатдан тарбиялашга аҳамияти беқиёсдир.

Оғизаки бадиий ижоди, бадиий томошалар, мусиқа фольклори, миллий ва маҳаллий рақсларининг ранг-баранглиги билан Ўзбекистон рақс санъатида муҳим ўрин эгаллаган Сурхон рақс санъати ўзининг тарихийлиги, ўзига хослиги ва қадимий кўринишда сақланиб қолганлиги билан ранг-баранг анъана ва одатлари, кўшиқ ва рақслари ҳамда маънавий мероси, тарихий кўринишдаги либослари билан бениҳоя қадирлидир.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваолатхонаси ва ЮНЕСКОдаги Ўзбекистон миллий комиссияси ҳомийлигида Санъатшунослик ИТИ, “Бойсун” мадания ва санъатини қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқалар иштирокида 2003 йил ёз ва куз ойларида амалга оширилган Бойсун илмий Экспедицияси Бойсун маданий мулкунини ўрганиш ва ташвиқ этишда яна бир муҳим босқич бўлиб қолди. 40 дан ортиқ қшлоқлардан йиғиб олинган аудио, видео, фото материаллар ўлка тарихи, этногенези, урф-одатлари, диний қарашлари, халқ томошалари, ўйин ва рақслари, мусиқа асбоблари ва фольклори, хунармандчилиги ва меъморчилиги, халқ оғзаки ижоди ва ижрочилари ҳақида кўпгина қизиқарли маълумот тўплаш имконини берди.

Маросимлар халқ маданиятида жамланган барча жиҳатларни қамраб олди. Улар маълум бир ижтимоий-иқтисодий тузумнинг тарихий ҳаётини акс эттиради, маълум маънода миллатнинг маънавий дунёсини шакллантиради. Маросим – бу фақат мусиқа, рақс, халқ ўйинлари жамланган тантанали тадбир ёки хурсандчилик омили эмас. Маросимлар бой анъанага эга бўлган халқнинг тарихи ва маданиятидир. Унда ижтимоий-руҳий омиллар, диний маросимлар ва байрамлар, кишилар орасида ўзаро алоқа меъёрлари, оғзаки ижод намуналари катта ўрин тутди. Маросим авлодларнинг муҳим ижтимоий алоқаси, уларнинг дунё ҳақидги тасаввурини акс эттириб, этномаданият ананаси сифатида сақланиб қолади.

Маросимларда халқ турмушининг этик ва эстетик жиҳатлари ўз ифодасини топган. Уларда халқ маънавий кадриятлар ижодкори сифатида майдонга чиққан. Шунинг учун ҳам чиройли безакдорлик, театр томошалари элементлари, музика – рақс ҳаракатлари маросимларнинг ажралмас қисми бўлиб қолган. Инсонни қўшиқ, рақс, ўйин, музика ва бошқа халқ ижодиёти намуналари билан ошно қилиш ҳам айнан маросимлар билан боғлиқ бўлиб унда инсон ўзининг энг яхши хислатларини кўрсата олади. Сурхон қишлоқлари ва маҳалларида нишонланадиган халқ маросимлари анъанавий тақвимий (“Наврўз”, “Бойчечак”, “Йил боши”, “Биринчи қуш”, “Лола сайли”, “Барақа ёки ҳосил” байрами, “Суст хотин” ва бошқалар), шунингдек, инсоннинг туғилишидан вафотига қадар бўлган ҳаёти билан боғлиқ маиший (“Бешик тўйи”, “Суннат тўйи”, “Мучал тўйи”, “Никоҳ тўйи” қабиларни) ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда мавсумий рақсларнинг ҳар бир соҳаси ўзигагина хос бўлган халқ маросимларида яшаб келади.

Хулоса сифатида шуни аълоҳида таъкидлаш жоизки, Сурхондарё вилояти халқ бадиий ижодида мавсумий рақслар қадимги даврларда ўзига хос тарзда аҳолининг орзу-истакларида яшаган ва амалиётда кенг қўлланилиб келинган. Бугунги кунда улар айрим фольклор этнографик жамоалари репертуаридан жой олган бўлиб, “фольклористика” шаклида, яъни бугунги кунга мослаб ўзгартирилган ҳолда ижро этилиб келинмоқда.

Сурхондарё вилояти мавсумий рақслари хусусида биргина кичик ҳажмдаги Битирув малакавий иши даражасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, аниқ хулосага келиш назаримизда нотўғри. Чунки, бу жараён кўплаб фольклор экспедицияларни уюштиришни, кўплаб илмий адабиётларни, кўлёмаларни таҳлил этишни талаб этади ва олинган натижалар асосида хулоса қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларни эиборга олган ҳола қуйидагиларни тавсия этамиз:

- Сурхондарё вилояти мавсумий рақсларини ўрганиш учун кенг қўламда Воҳа бўйлаб, фольклор экспедициялар уюштириш;

- мавзуга оид шу кунга қадар яратилган илмий адабиётларни ҳамда қўлёзмаларни ўрганиш ва натижалари юзасидан илмий мақолалар, манбаларни нашр этириш;

- Сурхондарёда мавжуд фольклор этнографик жамолар репертуарини кенг ўрганиш, таҳлил этиш;

Сурхондарёда уюштирилган экспедиция жараёнида миллий ўйинлар, рақсларни билган Сурхон билимдонлари, кекса авлод вакиллари билан суҳбатлар олиб бориш. Натижалар юзасидан илмий мақолалар нашр этириш;

- тўпланган материалларни қайта ишлаш, мавсумий рақсларнинг ўзига хос хореографик ҳаркатларини тасвирини ёзма баёнлаштириш, таҳлил этиш, классификациялаш ва натижалар асосида Сурхон мактаби асосларини ёритишдан иборат деган тавсияларни ўртага ташлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Расмий нашрлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 46 б.
- 1.2. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. – Т.: Шарқ, 1998. – 64 б.
- 1.3. Каримов И.А. “Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. –Т.: “Ўзбекистон овози” газетаси, 1997. 1-апрель.
- 1.4. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Ўзбекистон. 1995 й.
- 1.5. Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Тошкент, “Шарқ” нашриёти-матбаа концерн бош таҳририяти. 1998 й.
- 1.6. Каримов И.А. “Адолатли жамият сари”.Ўзбекистон, 1998 й., 31-47 б.
- 1.7. Каримов И.А. “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”. Тошкент, Ўзбекистон. 2000 й.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб – қувватлаш ва рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 1995 й. 20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995 й. №10-11. бб
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – Ватаним маним” қўшиқ байрами тўғрисидаги Фармони. 1996 й. 27 август.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.
1996 й. №8.

2.Илмий-адабий нашрлар

- 2.1. Ахмедов Б. Кўчманчи ўзбеклар давлати. Т. Тошкент. 1969 й. 46-54 бб.
- 2.2. Авдеева Л. “Ўзбек миллий рақс тарихидан”. Тошкент, 2001 й., 116-129 бб.
- 2.3. Абдуллаев Р.С. “Обрадовая музыка Центральной Азии”. Т.: Фан. 1994 г.
- 2.4. Абдуллаев Р.С. “Бойсун мусиқа мероси”. Тошкент. ЮНЕСКО. 2005 й. 136-142 бб.
- 2.5. Абдуллаев Р.С. “Бойсун тарихи ва анъаналари”. ЮНЕСКО. Тошкент. 2005 й. 150-195 бб.
- 2.6. Абдуллаев Р.С “Байсун”. (традиционная музыкальная культура). ЮНЕСКО. Ташкент. 2006.
- 2.7. Абдуғаффорова Ў. М. “Оқ ўтов”. “Ёзувчи”, 1998 й. 10-19 бб.
- 2.8. Алимов С. “Тарихий – фольклорий жараён ва жанрлараро муносабатлар”. 1993 й.
- 2.9. Бекмуродов М. “Ўзбекистонда жамоатчилик фикри” Тошкент. 1999 й., 200-214 бб.
- 2.10 Ибрагимов О.А. “Ўзбек халқ мусиқа ижоди” (методик тавсиялар I қисм), Тошкент, 1994 й.
- 2.11 Ибрагимов О.А. “Мақом ва макон”. Мовароуннаҳр, Тошкент, 1996 й. 38-43 бб.
- 2.12 Муродов М., Эргашев А. “Алпомиш” биринчи китоб, Сурхондарё талқини, Тошкент, “Меҳнат”, 1998 й., 114-118, 122-129 бб.
- 2.13 Муродов М., Эргашев А. “Алпомиш” достони, Қашқадарё талқини, иккинчи китоб, Тошкент, “Меҳнат”, 2000 й., 14-31, 510-553 бб.
- 2.14 Мустафоқулов Р. “Тошбосар достон”, 1998 й.

- 2.15 Махмуд Саттор “Ўзбек удумлари”. Тошкент, “Фан”. 1993 й., 112-125, 125-144 бб.
- 2.16 Муродов М. “Ўзбек қадриятлари”, Тошкент, “Чўлпон”, 1995 й. 43-50 бб.
- 2.17 Шодиев Б. “Наврўз байрами”. Т., Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2001 й.
- 2.18 “Зараутсой-98” Халқро симпозиум материаллари. Т., Термиз. 1998 й.
- 2.19 Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5-жилд. –Т.: Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2003. – 6, 120, 544, 546, б.
- 2.20 Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд. –Т.: Давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2003. – 145-152, 227, 293, 402, 638 бб.
- 2.21 “Далварзинтепа шахристони” (1989-1993 йиллардаги қадимшунослик тадқиқотлари яқунлари, 185 бет) Сока университети нашриёти. 1996 й.
- 2.22 Жабборов И. “Ўзбек халқи этнографияси”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1994 й. 117-226 бб.
- 2.23 “Сурхондарё қомуси”. Т., 1996 .62,64- бетлар.
- 2.24 Алимов С. “Тарихий-фольклорий жараён ва жанрлараро муносабатлар” Тошкент, 1993 йил.
- 2.25 “Далварзинтепа шахристони” (1989-1993 йиллардаги қадимшунослик тадқиқотлари яқунлари, 185 бет). Сока университети нашриёти 1996 йил.
- 2.26 Мирзаев Т. “Ўзбек фольклори очерклари” Тошкент, 1988.
- 2.27 Мирзаев Т. “Халқ бахшилари эпик репертуарининг асосий хусусиятлари”, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1979.
- 2.28 “Миллий урф-одат, маросим ва анъаналарнинг шахс маънавий камолотидаги ўрни”, Тошкент, 1999 йил (1998 йил 30 ноябр, семинар йиғилиш материаллари, 5, 12, 47 бетлар).
- 2.29 Махмуд С. “Ўзбек удумлари” Ўз Рес ФА “Фан” нашриёти, 1995 йил.
- 2.30 Муродов М. “Ўзбек қадриятлари” 1-китоб, Тошкент “Чўлпон”

нашриёти.

- 2.31 Муйинова Ш. “Қумқўрғон тарихи” Термиз, 1993 йил.
- 2.32 Норбоев Н. “92 бовли Ўзбек эли”, Тошкент, 1997 йил.
- 2.33 Рустамов М. “Ўзбек этнографияси”, Тошкент, 1991 йил.
- 2.34 Собиров О. “Ўзбек фольклори очерки” Тошкент Ўз Рес “Фан”
нашриёти.
- 2.35 У. Қорабоев. “Ўзбекистон байрамлари”, 46 бет.
- 2.36 Шоира Қурбонова, Холик Хурсандов “Сурхон рақс мактаби”,
Тошкент, 2010 йил.
- 2.37 Иброхим Абдурахмонов “Ўзбек халқ ўйинлари ва томоша
маданияти”, Тошкент, 2009 йил
- 2.38 “Ўзбек тилининг изохли луғати”. 5-жилд. “Ўзбекистон Миллий
Энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. 2007 йил).
- 2.39 Саримсоқов Б. “Фольклоризмлар типологиясига доир”. “Ўзбек тили
ва адабиёти”. Тошкент, 1980, 4-сон. Б. 37-46.
- 2.40 Рахмонов М. “Ўзбек театри”. -Т.: Фан, 1975. - 200б.
- 2.41 Авдеева Л. “Ўзбек миллий рақс санъатидан”. Т. 2001.
- 2.42 Авдеева Л. Мукаррама Турғунбоеванинг рақси. Т.: “Адабиёт ва
санъат” нашриёти, 1989.
- 2.43 Авдеева Л. Г. Измаилова. Т.: “Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва
санъат” нашриёти, 1975й.
- 2.44 Ахмедов М. “Исохор Оқилов”. Т. 1975й.
- 2.45 У. Қорабоев, “Табиат байрамлари” Тошкент : “Меҳнат” 1988 й.











